

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ
ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
«Касбий таълим» факультети**

**“Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик” таълим
йўналиши**

Ҳимояга рухсат

Кафера мудири _____

П.ф.н., доцент Б.И. Ганиева

2013 й “___” _____

**« БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИДА АХБОРОТ-
КУТУБХОНА МУАССАСАЛАРИНИНГ ТУТГАН
ЎРНИ (ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА ЯРАТИШ)»**

мавзусида

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи _____ Ўринбоева Наима Нишоновна

Илмий раҳбар _____ Ганиева Б.И.

Такризчи _____ Раимбекова У.

*ҲФҲ бўйича
маслаҳатчи _____ Амурова Н. Ю.*

ТОШКЕНТ-2013

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

Касбий таълим факультети

Ахборот кутубхона тизимлари кафедраси

5320200 - «Ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик» йўналиши

ТАСДИҚЛАЙМАН

Кафедра мудири _____

2013 йил « __ » _____

Битирувчи Ўринбоева Наиманинг ” Баркамол авлод тарбиясида
ахборот-кутубхона муассасаларининг тутган ўрни (электрон кутубхона
яратиш)” мавзуидаги битирув малакавий ишига

Т О П Ш И Р И Қ

1. Мавзу университетнинг 2012 йил «27» декабрдаги №1371–сонли буйруқ билан тасдиқланган.

2. Ишни ҳимояга топшириш муддати 25 май 2013 йил

3. Ишга оид дастлабки маълумотлар

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари ва электрон кутубхоналар электрон каталоги яратиш алгоритмлари ҳамда дастурий воситаларни ўрганиш, таҳлил қилиш. Баркамол авлод тарбиясига оид адабиётларни таҳлил қилиш ва ўрганиш. Мавзуга оид электрон кутубхона базасини шакллантириш

4. Баркамол авлод тарбиясида ахборот-ресурс марказларининг тутган ўрни ва фаолият жабҳаларини ёритиш ва ушбу мавзуга оид ресурсларнинг маълумот базасини яратишдан иборатдир

5. График материаллар рўйхати

Матнларда блок схемаларнинг берилиши;

Тўлиқ матнли электрон маълумотлар базаси.

6. Топшириқ берилган сана _____

Раҳбар _____

ИМЗО

Топшириқ олдим _____

ИМЗО

7. Ишнинг айрим бўлимлари бўйича маслаҳатчилар:

Бўлим номи	Маслаҳатчи	Имзо, сана	
		Топшириқ берилди	Топшириқ олинди
1-3 бўлимлар	Б.Ганиева У.Раимбекова	15.01.2013 й.	
4-бўлим		30.04.2013 й.	

8. Ишни бажариш графиги

Т/р	Иш бўлимлари номи	Бажариш муддати	Раҳбар (маслаҳатчи) имзоси
1.	Кириш.	2013йил	
2.	Ахборот - ресурс марказларида баркамол авлодни тарбиялашнинг педагогик шарт шaroитлари	январь 2013йил	
3.	Электрон кутубхонанинг электрон каталогини яратиш	Февраль 2013йил	
4.	Баркамол авлодни тарбиялашга оид адабиётларнинг маълумот базаларини яратишнинг ташкилий ва функционал структураси	апрель 2013йил	
5.	Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	май 2013йил	

Битирувчи _____
ИМЗО

2013 йил «_____» _____

Раҳбар _____
ИМЗО

2013 йил «_____» _____

АННОТАЦИЯ

Мазкур малакавий битирув иши баркамол авлод тарбиясида ахборот-ресурс марказларининг тутган ўрни ва фаолият жабҳаларини ёритишга бағишланади. Электрон кутубхона яратиш методлари, шунингдек, баркамол авлод тарбиясида ахборот-ресурс марказларининг тутган ўрни мавзусига оид ресурсларнинг маълумот базасини яратишдан иборатдир.

АННОТАЦИЯ

Данная выпускная квалификационная работа посвящена освящению роли информационно-библиотечных учреждений в воспитании здорового поколения и созданию электронного каталога по данной теме. Дается методика создания электронной библиотеки

The summary

The given final qualifying work is devoted consecration of a role of information-library establishments in education of healthy generation and to creation of the electronic catalogue the given theme. The technique of creation of electronic library is given

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
------------	---

I боб. АХБОРОТ - РЕСУРС МАРКАЗЛАРИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ ШАРОИТЛАРИ

1.1. Баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизда амалга оширилаётган ишлар таҳлили.....	6
1.2. Ахборот кутубхона муассасаларининг баркамол авлод тарбиясида тутган ўрни.....	12
Биринчи боб бўйича хулоса.....	24

2-боб. ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИНИ ЯРАТИШ

2.1. Электрон кутубхона асосий тушунчалар ва таърифлар.....	25
2.2. Электрон каталог яратиш принциплари.....	33
2.3. Электрон каталогнинг динамик ва статик маълумотномалари.....	41
2.4. Электрон каталог маълумотлар базасини шакллантириш алгоритми.....	44
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	46

3-боб. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ МАЪЛУМОТ БАЗАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ФУНКЦИОНАЛ СТРУКТУРАСИ

3.1.Тизимнинг функционал структураси.....	48
3.2.Тизимнинг ташкилий структураси.....	50

4-боб. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ҲАВФСИЗЛИГИ

4.1 Компьютер билан ишлашда электр магнит нурланишлардаги ҳимояланиш.....	52
4.2. Фавқулодда ҳолатлар вақтида халқ ҳўжалиги объектларининг турғун ишлашини таъминлаш.....	59
ХУЛОСА.....	62
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....	64
ИЛОВА.....	67

КИРИШ

*Фарзандларимиз биздан кўра кучли,
билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари
шарт!*

И. А. Каримов

Тадқиқотнинг долзарблиги

Баркамол авлод тарбиясида, уларнинг ҳар томонлама шаклланишида ахборот-кутубхона муассасаларига ҳам масъулиятли вазифалар юкланган. Бундай вазифаларни амалга ошириш учун китобхон ёшларнинг маънавий камол топиши, ўқиши, изланиши ва тафаккурини янада бойитишига қулай имкониятлар яратилган.

Ахборот-кутубхона муассасаларида юқорида айтиб ўтилган мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланган ҳолда Давлат дастурини амалга ошириш бўйича бажарилаётган ишлар, ҳукуматимизнинг қарор, қонун ҳамда фармонларининг бажарилиши, ёшларга берилаётган имкониятлар, имтиёзлар, уларнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари, буюк сиймолар ва алломаларнинг маънавий мероси тўғрисидаги адабиётларнинг китобхонлар ўртасида тарғиботини янада кучайтириш лозим. Жумладан, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, моддий ва маънавий бойлигимизни эъзозлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади.

Президент И.Каримов маърузасида: “...Аввало, биз яъни халқимиз ва давлатимиз, ҳар қайси инсон ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган бўлмайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайдик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида нима туради?

Бу саволга ҳаммамиз, табиийки, барча эзгу ниятларимизнинг марказида фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси туради, деб жавоб берамиз”, – деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, истиқлол шарофати билан ёшлар, ўсмирлар тарбияси масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мантиқан бир-бирига ҳамоҳанг бўлган “Инсон манфаатлари йили”, “Оила йили”, “Соғлом авлод йили”, “Она ва бола йили”, “Ҳомийлар ва шифокорлар йили”, “Ёшлар йили”, “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да ҳам баркамол авлод тарбияси, уларнинг манфаатларини таъминлаш масаласи устувор аҳамият касб этди.

Бугунги кунда ёшлар маънавиятини юксалтириш, онгу шуурида рухий поклик, маънавий уйғоқлик туйғуларини мустаҳкам қарор топтириш, таълим-тарбия, тарғибот-ташвиқот ишларини доимий, самарали ва таъсирчан тарзда илғор педагогик методларни қўллаб олиб бориш давр тақозосидир. Баркамол авлод ҳақида қайғуриш, унинг тарбияси масаласига эътибор ҳар доим давлат аҳамиятига молик масалалар жумласидандир.

Тадқиқотнинг мақсади баркамол авлод тарбиясида ахборот-ресурс марказларининг тутган ўрни ва фаолият жабҳаларини ёритиш ва ушбу мавзуга оид ресурсларнинг маълумот базасини яратишдан иборатдир.

Битирув малакавий ишининг вазифалари:

- Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари ва электрон кутубхоналар электрон каталоги яратиш алгоритмлари ҳамда дастурий воситаларни ўрганиш, таҳлил қилиш.

- Баркамол авлод тарбиясига оид адабиётларни таҳлил қилиш ва ўрганиш.

- Мавзуга оид электрон кутубхона базасини шакллантириш.

Битирув малакавий ишининг объекти: Тадқиқот объекти сифатида ахборот-ресурс марказларидаги асосий ахборот жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган дастурий воситалар, электрон кутубхонанинг электрон каталоги, кутубхонадаги асосий ахборот жараёнлари (ахборотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатиш) қаралган.

Ишнинг ахборот таъминоти – Электрон кутубхона, автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари бўйича чоп этилган дарсликлар, ўқув қўлланмалар, АРМлардаги ахборот жараёнларини автоматлаштириш бўйича эълон қилинган адабиётлар, китобхонларга хизмат

кўрсатишнинг педагогик-психологик асосларини ёритувчи ресурслардан фойдаланилган. Электрон каталоглаштириш бўйича чет эл тажрибаси ИНТЕРНЕТ тармоғидан олинган материаллар ҳисобига ўрганилган.

Битирув малакавий иши натижаларининг амалий аҳамияти:

Тадқиқот натижаларидан автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари ва электрон кутубхоналарнинг электрон каталогини яратишда, кутубхона жараёнларини автоматлаштиришда фойдаланиш мумкин. Тадқиқот натижасида олинган натижалар АРМ раҳбарлари, болалар ўқишига раҳбарлик қилувчи мутахассислар учун жуда муҳим ахборот манбаи бўлади.

Мазкур битирув малакавий иши Кириш, 4 боб, Хулоса, Фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I Боб. АХБОРОТ - РЕСУРС МАРКАЗЛАРИДА БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

1.1. Баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизда амалга оширилаётган ишлар таҳлили

Жамият — ҳар қандай эврилишлар, ўзгаришлар, ўсиш ва ўзгаришлар жараёнида ҳам янги авлод ривож, камолоти йўлида ҳаракатдан чекинмайди. Шарқ таълимоти манбаларида, тарих зарваракларида ҳам бунинг исботини кўриш мумкин. Аждодларимизнинг мозийга муҳрланган фаолият сарҳадларида бунга аниқ далиллар бисёр. Соҳибқирон Темур бобомизни, Навоий, Бобур ҳазратларини олайлик. Уларнинг камоли учун даврнинг шиддатли бўҳронлари ҳам тўсиқ бўла олмаган. 5 ёшли Алишернинг бийрон шеър мутолаа қилишлари, Бобур Мирзонинг ўтли ғазаллари, дунёни лол қолдирган адолатпеша Темурнинг 7 ёшлигиданок жанг сирларини ўрганиши, овчилик, мерганлик усулларини эгаллаб олиши ҳақида жуда кўп манбаларда ҳикоя қилинади. Биз ана шундай фикри теран, иқтидори бутун, зукко ва донишманд аждодларнинг ворисларимиз. Инчунун, уларнинг тарихда қолдирган излари асрлар оша сайқалланиб, биз учун ибрат мактаби бўлиб яшайверади.

Жисмонан соғлом, билимли, маънавий баркамол, етук инсонни тарбиялаш мавзуси шарқ алломалари томонидан чуқур ўрганилган. Чунончи, Арасту, ибн Сино, Баҳоуддин Нақшбандий, Нажмиддин Кубро каби улўф алломаларнинг асарлари ва назарий таълимотларида ҳам ёш вужудни камол топтириш, тарбиялашга катта аҳамият қаратилганлиги бежиз эмас.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданок соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш муҳим ва устувор вазифага айланди. Ривожланаётган жамиятимизнинг ўз олдига қўйган олижаноб мақсади — келажаги буюк давлатни барпо этиш вазифаси шуни тақозо этади.

Баркамол авлод — кўнглида, қалб-қўрида ишонч ва ифтихор туйғулар мавжланиб турган авлоддир. У нафақат ҳақ-ҳуқуқини, балки фуқаролик бурчини ҳам чуқур англайди. Худди шу англаш, ҳис қилиш, қайси илм

даргоҳида таълим олмасин, қай бир соҳада меҳнат қилмасин, улугъ юртнинг анъаналарига муносиб бўлишга ундайди.

Ҳеч шубҳасиз, ҳар қандай миллат ўз фарзандларининг баркамол бўлишини орзу қилади. Аслида, баркамоллик – жуда кенг тушунча. Тилимизнинг изохли луғатида баркамоллик қуйидагича таърифланади: жисмоний ва ақлий жиҳатдан камолот, вояга етиш, бекаму кўст мукаммаллик ҳолати ва ҳоказо. Дарҳақиқат, биз ҳар қандай одамга унинг нечоғли камолотга эришганига қараб баҳо берамиз. Жумладан, баркамол шахс, баркамол ижод деймиз. Ғоят етукликни эса табиат баркамоллигига қиёслаймиз.

Балоғат ва камолотнинг турли-туман қирралари бор. Албатта, бу қирраларнинг жилолари бир-биридан асло кам эмас. Лекин фарзанд жисмоний жиҳатдан етукликка эришса-ю, маънавий томондан тўқис шаклланмаса, уни ҳали мутлақ мукаммал деб бўлмайди.

Мухтарам Юртбошимиз: “Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, ақлли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт”, – деб таъкидлайди. Ушбу эзгу ниятда баркамол авлоднинг порлоқ қиёфаси мужассамдир. Дарҳақиқат, давлатимизнинг бош сиёсати ҳам келажак авлоднинг истиқболини таъминлашга, зарур шарт-шароит яратишга, уларни етук инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилган. Юзлаб коллеж ва лицейлар, олий ўқув юртлари, кўплаб спорт иншоотлари, компьютер ва Интернет каби замонавий техника воситалари ёшларимиз ихтиёридадир. Бугун фарзандларимиз тил ўрганиб, чет элларда таълим олишяпти. Буларнинг бари таҳсинга сазовордир.

Баркамоллик, энг аввало, ахлоқий тушунча. Ахлоқ эса инсон боласининг илоҳий рутбаси ҳисобланади. Ахир, Ҳазрат Навоий беш юз йиллар муқаддам бежиз айтмаганлар:

Одами эрсанг, демагил одами –

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами.

Баркамол авлод орзуси – энг буюк орзу. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг орзуси бу. Барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир.

Мустақиллик йилларида эзгу мақсадларимизни рўёбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Узлуксиз таълимнинг “Ўзбек модели” сифатида эътироф этилган ва бугун ўз самарасини бераётган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ўз вақтида узокни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида ёшларимизда нафақат юксак интеллектуал салоҳият, мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантиришга, балки уларни жисмонан чиниқтиришга, оммавий спортни ривожлантиришга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Табиийки, бугунги авлод олдида давр янги вазифаларни қўймоқда. Агар кечаги бобокалонларимиз ўз етуклигини, юксак инсоний сифатларини Ватан озодлиги, халқ эркинлиги учун беомон курашларда кўрсатган бўлсалар, ҳозирги авлод ўз етуклигини Ватаннинг порлоқ ва буюк келажагини бунёд этишда намоён этмоғи талаб қилинмоқда.

Ёшларимиз халқимизни халқ, миллатимизни миллат қилиб турган юксак маънавий сифатларни изчил давом эттириб, бу ноёбликларни янада бойитишлари, ривожлантиришлари ва дунёга кўрсата олишлари лозим.

Маълумки, янги авлодимизнинг баркамоллигида жисмоний етуклик ҳал қилувчи жиҳатлардан биридир. Бу мақсадга эришиш учун мамлакатимизда истиқлол даврида бу борада ҳам улкан ишлар амалга оширилди. Бу тадбирлар орасида “Соғлом она – соғлом бола” ғоясини ўзида мужассам этган давлат дастури ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялаш мақсадида ишлаб чиқилган ушбу дастур асосида

пойтахтимизда ва жойларда кўплаб замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари барпо этилди.

Мамлакатда болалар спортини ривожлантириш, умуман, спортни оммалаштириш, жумладан, ўқувчи-талаба ёшлар ўртасида анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган уч босқичли – “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” мусобақалари катта натижалар бермоқда. Ватанимиз спортининг кенг ривожланиши туфайли ёшларимиз орасида доврўғи республикамизда ва халқаро миқёсда кенг танилган ёрқин салоҳиятли спортчилар етишиб чиқмоқда ва уларнинг сафи тобора кенгайиб бораверади.

Бундан ташқари, ҳар йили кўплаб иқтидорли ёшларимиз адабиёт, санъат, маданият, таълим ва фан йўналишларида Зулфияхоним номидаги давлат мукофоти лауреатлари, “Келажак овози” ғолиблари бўлишмоқда.

“Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан ўтказилиб келинаётган мазкур танловнинг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буни танловда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар сонидан ҳам билса бўлади.

“Келажак овози” ёшлар танлови – ўз номи билан келажакнинг ёруғ манзилларига интилаётган иқтидорли ёшларни кашф эта бошлади. Нигоҳларимиз мазкур танловнинг мазмун ва моҳиятига қаратилди. Буни қарангки, бугуннинг ёшлари қалбида ўз яратувчанлик ишлари намуналарига ишонч бисёр.

Истиқлол йилларида ёшларнинг таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилди, шу мақсадда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури қабул қилиниб, Ўзбекистонда таълим-тарбия ишини энг юқори халқаро андозаларда ташкил этишга киришилди. Ўтган йиллар давомида юртимизда узлуксиз таълимнинг 12 йиллик тизими жорий этилди. Пойтахтимизда ҳамда жойларда муҳташам мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар бунёд этилиб, улар илғор халқаро андозаларда ўқув-лаборатория жиҳозлари,

тамомила янги мазмун-моҳиятли дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминланди. Таълим тизимида янги педагогик технологиялар жорий этилмоқда. Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбияси соҳасида эришилган ютуқларга дунёдаги кўплаб халқлар бугун ҳавас билан қарамокдалар.

Таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар биз ҳар қанча ғурурлансак арзийдиган ёрқин самараларни бермоқда. Ўзбекистон ўқувчи ёшлари бугунги кунда халқаро фан олимпиадаларида, қизғин спорт баҳсларида фаол иштирок этиб, ижобий натижаларни қўлга киритмоқдалар.

2009–2014 йилларда болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янги муассасаларни қуриш бўйича давлат дастури қабул қилинганлигини алоҳида мамнуният билан тилга олишимиз керак. Дастурга биноан, энг олис туманларда ҳам махсус болалар мусиқа ва санъат мактаблари ташкил этилмоқда. Узоқни кўзловчи ушбу ҳужжатнинг аҳамияти бебаҳодир. Аввало, мусиқа ва санъат мактаблари жойлардаги ёш иқтидор эгаларини топиш ва уларни тарбиялашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда баркамол авлод тарбиясига замин яратиш мақсадида кўпдан-кўп ишлар қилинганлиги ҳеч кимга сир эмас. Биргина 2009 йилда 1957 та мактаб қурилганлиги ва реконструкция қилинганлиги, қишлоқларда 214 та академик лицей ва 170 та касб-ҳунар коллежи барпо этилганлиги, бу йил давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини янада ривожлантиришга йўналтирилаётганининг ўзи кўп нарсани англатади. Зеро, ёшлик инсоннинг ўқиш ва изланиш даври ҳисобланади. Бу фаслда ёшлар ўз салоҳиятини тўла намоён этишида уларга яратилган шароит муҳим аҳамият касб этади.

Ёшларнинг маънавий оламини юксалтириш ҳамда уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда ахборот-кутубхона муассасаларининг ҳам роли каттадир. Мустақиллик йилларида кутубхоначилик соҳасида ҳам бир қанча ўзгаришлар рўй берди. Кутубхоналарга замонавий компьютер технологиялари кириб кела бошлади, улар Интернет ва ZiyoNet тармоқларига уланди. Фойдаланувчиларга

электрон каталог орқали хизмат кўрсатила бошланди. Адабиётларнинг электрон ресурслари яратила бошланди. Президентимизнинг 2006 йилдаги “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги Қароридан кейин ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари ташкил этилди. Электрон кутубхона ташкил этишнинг дастлабки босқичларида ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ахборот-кутубхона муассасаларида адабиётлар кўргазмалари, китоб тақдимотлари, давра суҳбатлари, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар, семинар ва конференциялар, кечалар, беллашувлар мунтазам ўтказиб келинади. Шу билан биргаликда, ҳар йили ўтказилиб бориладиган “Энг яхши АРМ ва АКМ мутахассиси”, “Энг яхши ахборот-ресурс маркази”, “Энг яхши китобхон”, “Йилнинг китобхон оиласи” кўрик-танловлари, мутолаа байрами сингари тадбирлар ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳамда ёшларнинг янада кучли, билимли, доно бўлишларига ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг 9-бандида 2010– 2015 йилларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, РАКМ, Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан биргаликда “Барча ахборот-ресурс марказлари ва кутубхона муассасаларида электрон кутубхонани босқичма-босқич шакллантириш, республикада интеграциялашган ахборот-кутубхона тармоғини ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиш” вазифаси белгиланган. Бунинг натижасида анъанавий кутубхона хизматидан замонавий кутубхона хизмати кўрсатиш тизимига ўтилади ҳамда жаҳондаги барча ресурслардан тўлақонли фойдаланиш имконияти туғилади, шунингдек, ёшларнинг тезда ахборот олиш имкониятлари кенгайди.

Президентимиз раҳнамолигида жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш замирида, авваламбор, инсон манфаатлари, унинг интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, касб

махоратини ошириш учун зарур шарт-шароит яратиш вазифалари мужассам. Бу борада баркамол авлодни тарбиялаш, олий ва ўрта махсус таълим соҳасида юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Зеро, бугун мамлакатимизда олиб борилаётган бунёдкорлик, ижтимоий, иқтисодий соҳалардаги ислохотлар, маънавий-маърифий тизимдаги янгиланишларнинг замирида ҳаётимизнинг асл мазмуни – фарзандларимизнинг баркамол турмуш тарзини яратишдек мақсад мужассам. Фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

1.2. Ахборот кутубхона муассасаларининг баркамол авлод тарбиясида тутган ўрни

Ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг мақсади ва мазмунини аниқлаш - кутубхонашунослик фанидаги энг муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. Мақсад сари интилиш ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш жараёнининг ҳаракатга келтирувчи омили бўлиб, у бошқа таркибий компонентларни (воситалар, усуллар, шакллар ва уларни жорий этиш даражаларини) бир-бирига боғлайди, кутубхоналар, АРМ ва АКМ лар фаолиятининг аниқ мақсади ва йўналишини ҳамда йўллари ва характерини белгилайди.

Ахборот-кутубхона хизматининг мақсади жамият мақсадларига боғлиқдир. Агар жамиятни аниқ мақсад ва йўналишларида ноаниқликлар бўлса, ҳеч бир кутубхона, АРМ, АКМ лар ўз мақсадлари ва йўналишларини аниқ белгилай олмайдилар. Жамият қандай мақсадлар сари илгари бораётганлигини аниқ билган тақдирда, ахборот - кутубхона хизматида ҳам мақсад ва йўналишлар белгиланади.

Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмат кўрсатишнинг ўзига хос мақсади ва вазифалари истеъмолчилар эътиборини қозонишга имконият яратади. Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг вазифалари қанчалик мақсадга мувофиқ, тўғри шакллантирилса хизмат кўрсатиш даражаси камол топиб кутубхоналарнинг тараққиёти учун асосий омил бўлади.

Истеъмолчиларга ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишнинг мақсади ва вазифаларини мақсадга мувофиқ қўллаш, ҳар бир кутубхоначининг бурчи ҳисобланади. Кутубхоначи томонидан истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг вазифалари тўғри танланиши ва унга амал қилиш, шунингдек бу ишга ижодий ёндошиш етакчи аҳамият касб этади.

Кутубхоначилар истеъмолчиларни ҳар томонлама баркомол инсон бўлиб ривожланишларига ёрдам кўрсатиш мақсадида адабиётлар тарғиботини йўлга қўядилар. Уларни қизиқишни қондиришни ўзларининг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблашлари керак. Бунинг учун ҳар бир китобхонни ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб баркамолликка асос бўлишига ҳисса қўшадиган энг зарур адабиётларни тавсия этиш йўллари белгилайдилар.

Кутубхоначилар ўз олдига қўйган вазифаларни яхши тасаввур этиб, ахборот-кутубхона хизмати кўрсатиш вазифаларига ўзларининг кундалик фаолиятларида қатъий амал қилишлари шарт. Истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш вазифалари Республикамизнинг бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ҳаёти талабаларидан келиб чиқади. Ҳозирги кунда кутубхоналар, АРМ, АКМларнинг асосий вазифаси ҳар томонлама етук, давр талабига жавоб берадиган ақлий ва жисмоний ривожланган шахсни шакллантиришдир. Шу мақсаддан келиб чиқиб, баркамол авлод тарбиясига оид адабиётларнинг тарғиб этилиши, бу борадаги адабиётлар, ўтказилиши мумкин бўлган тадбирлар туркумининг ишлаб чиқирилиши каби муҳим вазифалар ахборот ресурс ва ахборот кутубхона марказиларининг иш фаолиятини асосий жабҳаларини белгилаб беради.

Ақлий камолот юксак илмийликни, маданиятлилики ва нафосатни ўзида ифодаласа, жисмоний камолот китобхонни ҳар томонлама жисмоний соғлигини ифодалайди. Ақлий ва жисмоний камолотни китобхонда уйғунлашуви баркамоллик нишонасидир. Китобхонни ҳар томонлама камол топиши уни маънавий жихатдан ҳам тараққий этишига таъсир кўрсатади. Уни замонавий билим эгаси бўлишига, маърифатлий, маданиятли шахс бўлишига олиб келади.

Шахсни ҳар томонлама камолотини чегараси йўқ, унга бўлган талаба янги туғилган орзулар сингари кўпайиб бораверади. Шахсни ҳар томонлама камолоти китобхонни барча фан соҳаларини тўлиқ ўзлаштириши шарт деган ғояни қўймайди Бетакрор интилишда истеъмолчининг касб-кори, мутахассислиги асосий омил бўлиб ҳизмат қилмоғи зарур. Шахсни ҳар томонлама камолотига кутубхона ҳамкорлик қилади ва таъсир кўрсатади, аммо китобхонга таъзиқ ўтказмасдан китобхонни ҳуқуқини ҳимоя қилган ҳолда адабиётни эркин танлаш ва баҳолашга имкон яратиши керак.

Истеъмолчиларга хизмат кўрсатишнинг асосий мақсади шахсни ҳар томонлама тараққий этириш, кутубхона, АРМ, АКМларининг барча ахборот-кутубхона хизмати ишларини ташкил этишнинг метадологик асоси бўлиб хизмат қилади. Кутубхона, АРМ, АКМлари истеъмолчиларнинг янги қизиқишларини шаклланишига, қизиқишини чуқурлашига ва тараққий этишига яқиндан кўмаклашадилар. Истеъмолчиларни ўқиш доирасини кенгайтиришига маълум миқдорда таъсир кўрсатадилар. Ушбу ишларни натижалари истеъмолчиларни китоб танлашида, фикрлашини ривожланишида, қизиқишини шаклланишида намоён бўлади.

Кутубхоналар тажрибасида ўқилган китоб ҳақида гуруҳли суҳбат ўтказиш анъанаси ҳам мавжуд. Бунда болаларни ҳаяжонлантирган асар ҳақида биров вақтдан кейин суҳбат ўтказилгани маъқул. Чунки бу даврда болада ўқиб чиққан китоби тўғрисида хилма-хил фикрлар туғилади, ҳатто китобхонда бир-бирини инкор этувчи қарашлар пайдо бўлади. Ана шундан кейин кутубхоначи мазкур асар ҳақида аввал ўқувчиларнинг фикрини

эшитиб кўриши, суҳбат охирида ўз фикрини айтгани маъқул бўлади. Натижада, ўқувчиларда китобни тушуниб, мулоҳаза қилиб ўқиш малакалари шакллана боради. Айни пайтда кутубхоначи ҳар бир ўқувчининг китобхонлик савиясини ҳисобга олган ҳолда уларга китобдан энг керакли, энг муҳим нарсаларни билиб олиш йўлларини ўргатади, имконияти ва қобилиятига қараб оддий китоблардан мураккаброқ китобларни ўқишга етаклайди.

Кутубхоначи китобхон қизиқишларини кучайтириб бориш мақсадида оммавий шакллардан бир нечасини қўллаши мумкин. Масалан, китоб кўргазмаси, плакатлар, расмли картотекалар, турли хил альбомлардан унумли фойдаланиш ҳам яхши самара беради. Буларнинг орасида китоблар кўргазмаси алоҳида ажралиб туради. Чунки у кутубхона бойлигини ўқувчиларга очиб бериш шароитини яратиб беради. Адабиёт тарғиботининг энг кўзга кўринган ва таъсирчан кўргазмали воситаларидан бири **китоб кўргазмаси**дир. Унда ўқувчи бевосита китобнинг ўзини ўз кўзи билан кўради, китоб ташқи қиёфаси билан уни ўзига тортади. Кўргазмалар болаларни аниқ бир мақсадга қаратилган режали мутолаа қилишга ўргатади, зеро, китобларнинг ҳар бири ўқувчи учун мутолаанинг тайёр режасини тақдим этади.

Китоб кўргазмалари, айниқса, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун жуда муҳимдир. Чунки ушбу кўргазмалар 1-2-синф ўқувчиларига қайси китобни қандай танлаб олиш ва ўқиш кераклигини ўргатади. Натижада, кўргазмадаги китоблар болалар ўртасида оммалашиб бораверади. Айниқса, кўргазма бошланғич синф ўқувчиларида катта таассурот қолдиради, улар кўргазмани кўргач, ўзлари ўқимаган китобга нисбатан қизиқиш уйғонади ёки ўқиб чиққан китобларини яна эсга оладилар.

Шу ўринда масаланинг педагогик томонига эътибор бериш лозим. Чунончи, аввало, кўргазманинг мавзуси аниқ белгилаб олиниши керак. Унинг кимларга мўлжаллангани, қайси тоифадаги ўқувчиларни қамраб олиниши ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир. Айни пайтда

ўқувчиларнинг психологик хусусиятлари ҳам ҳисобга олиниб, чиройли сарлавҳалар танланиши, жарангдор, ўқувчини ўзига жалб қиладиган сўзлардан иборат бўлиши зарур. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилари учун кўргазмалар чиройли, қизиқарли, унча катта бўлмаган, бироқ тез-тез янгиланиб туриладиган бўлиши керак. Кўргазмани безашда болалар ясаган кўлбола расмлар, тасвирлар, кўғирчоқлар, ўйинчоқлардан фойдаланиш мумкин.

Масалан: «Биласизми?» сарлавҳаси остида бошланғич синф ўқувчилари учун атроф-муҳит бизни ўраб турган она табиат унинг сир-асрорлари хақида китоблар кўргазмаси ташкил этса бўлади. Унда «Қайси гуллар вақтни кўрсатади?», «Доим ям-яшил бўлиб турадиган дарахтлар борми?», «Нима учун чўлдаги ўсимликларда баргнинг ўрнига тиконлар ўсади?» каби турли хил қизиқтирувчи саволлар болани ўзига жалб этувчи рангларда берилади. «Бу саволларга жавоб топомқчи бўлсанг қуйидаги китобларни ўқи!» тарзида ушбу мавзуга оид китоблар кўргазмаси ташкил этилади. Китоб фондини кўргазма ва плакатлар орқали очиб бериш орқали болалар ўзларини қизиқтирган мавзудаги китоблар билан танишиш имконига эга бўладилар. Кутубхоначи 1-4-синф ўқувчилари учун китоб кўргазмаси ташкил этар экан, шу ёшдаги болалар онгига яқин мавзулар ва китобларни тавсия этиши зарур. Шунингдек кўргазма орқали кутубхоначи фақатгина китобларни эмас, балки ушбу танланган мавзунини очиб беришда болаларга аталган газета ва журналлардаги мақолалардан ҳам фойдаланиши ўринлидир. Кўргазма орқали болада аввал унинг диққатини жалб этмаган саволларга жавоб топиш истаги уйғонади. Ва бу истак болани амалий ҳаракатга киришга мажбур қилади, яъни китобларни ўқиб чиқиш томон етаклайди. Республика болалар кутубхонасининг китобхонлари билан олиб борилган суҳбатлардан шу нарсга аён бўладики, болалар кўпинча аввал ўзларини қизиқтирмаган мавзуга кўргазма орқали қизиқиб қолишади ва кўргазмадаги барча китобларни ўқиб чиқишга ҳаракат қилишади. «Мен авваллари турли халқ эртакларини ўқишни ёқтирардим. — дейди 3-синф ўқувчиси Нигина. — кутубхонадаги «Шоирлар

болаларга» деган кўргазмадаги жуда чиройли ранг-баранг китобларни кўриб, бу китобларга қизиқиб қолдим. Жуда қизиқарли шеърӣ китоблар экан. Шундан бери мен шоирларнинг асарларини, уларни болаларга аталган шеърларини ўқий бошладим». Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, бу ёшдаги болаларни ноихтиёрӣ диққатини ёрқин сарлавҳалар, қизиқарли саволлар остида ёритилган китоблар албатта жалб қилади. «Қизиқарли ҳикоялар» деб номланган кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар учун мўлжалланган кўргазмада 18 та китоб жойлаштирилди. 1 ой ичида ушбу китоблар 200 мартадан кўп сўралган. Кўргазмадан аввал ушбу китобларга етарли қизиқиш сезилмаган эди. Кўргазма материалларининг китобхонлар ўртасида оммавийлашиши учун у ёш китобхонларнинг қизиқиш ва имкониятларидан келиб чиқиб тузилган бўлиши керак. Кўргазма учун китоб танлаётган кутубхоначи китоблар сонига эътибор бериши керак. 1-синф ўқувчилари учун кўргазма 4-5 китобдан иборат бўлади. 2-3-синфлар ёки 3-4 синф ўқувчилари учун ташкил этиладиган кўргазмалар эса китоблар сони аста-секин ошириб борилади. Танланган мавзу бўйича фонддан мазмун жиҳатдан ҳам, иллюстрациялар жиҳатдан ҳам энг сара 15-20 тагача китоблар танланади. Агар китобнинг муқоваси қизиқарли бўлмаса, унинг қизиқарли, бола эътиборини жалб қиладиган бетини очиб қўйиш мумкин. Шунини ҳам назарда тутиш керакки, китобхон кўргазмадаги китобларни фақат томоша қилмайди, балки уларни қўлига олиб варақлаши, яқинроқ танишиши мумкин.

Кутубхоналарда китоблар кўргазмасига ҳамоҳанг тарзда китоблар обзори ҳам ўтказилиб турилади. Маълумки, бу тадбир китобхонлар сўровини қондириш, кутубхонада ҳар хил адабиётларни кўрсатиш мақсадида амалга оширилади. Айни пайтда кутубхонада адабиётлар шарҳини ўтказиш ҳам анъанага айланиб бормоқда. Бинобарин, адабиёт шарҳи оммавий ишларнинг ўзига хос кутубхонадаги шакли ҳисобланади. Бу маълум режа бўйича тузилган оғзаки ҳикоя бўлиб, унда китоб ва мақолаларнинг тавсияси берилади. Адабиёт шарҳи мутолаани яхшилаш, китобхон талабинини ошириш мақсадида қилинади. Бундан асосий мақсад болалар эътиборини китобга

жалб этиш, уларни қизиқтиришдир. Бутун шарҳ тугал, яхлит, ғоявий мукамал, ҳиссиётли, тушунарли ва қизиқарли бўлиши керак.

Маълумки, кутубхонадаги оммавий ишларнинг ажралмас бир қисми ифодали ўқишдир. Ифодали ўқишнинг самарали томони шундаки, кичик ёшдаги болалар ўқишдан кўра эшитишни маъқул кўрадилар. Бундан ташқари, китобни ўқиб берадиган кишининг интонацияси, ўқиш техникаси юқори бўлса, асар мазмуни болаларга тез сингади ва улар ҳам яхши ўқишга интиладилар. Агар ўқилган текст ёки асар сўзлаб берилса, болалар китоб мазмунини теранроқ тушуниб оладилар ва ўзлари ҳам сўзлаб беришга ўрганадилар. Бу эса ўқиш маданиятининг шаклланишидан далолат беради.

Кузатишлардан маълум бўлдики, 1-2 синф ўқувчилари асосан кичик ҳажмли, персонажлари кам бўлган китобларни қизиқиб ўқийдилар. Лекин катта ҳажмли, кўп персонажлар қатнашадиган китоблар улар учун бирмунча оғирлик қилади. Шунинг учун ҳам кутубхоналарда катта ҳажмли китоблардан ифодали ўқиш учун фойдаланадилар. Чунки ифодали ўқиб берилганда улар ҳажми каттароқ китобларни ҳам ўзлари ўқигандан кўра осонроқ тушунадилар. Ифодали ўқиш ҳам кутубхоначидан яхши тайёргарликни талаб этади. Аввало, ифодали ўқиш учун танланган китоб, ҳикоя ёки шеър бир-икки марта ўқиб чиқилиши, қизиқарли расмларга эътибор берилиши лозим. Шундан кейин асар таҳлил қилиниши, китобнинг мазмуни, ғояси, муаллиф услуби аниқланиши керак. Бунда кутубхоначи белгиланган матнни қандай ўқиш, яъни қаерда тўхтаб пауза қилиш, қаерини секин ёки баланд овозда ўқиш кераклигини билиб олиши жоиз. Бу жараёнда у матндаги тиниш белгиларининг аҳамиятини тўғри англаб олиши шарт.

Ифодали ўқишнинг аҳамияти тўғрисида ўзбек шоир ва ёзувчилари, машҳур педагог олимлар ҳам юқори баҳо берганлар. Жумладан, машҳур ўзбек маърифатпарварлари Абдулла Авлони, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Садриддин Айнийлар, педагог олимлардан Субутой Долимов, Сиддик Ражабовлар асарларида бу ҳақда қимматли фикрлар билдирилган. Демак,

ифодали ўқишга муносабат фақат XX асрда эмас, балки эски мактабларда ҳам кучли бўлган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда ҳозирги кунда кутубхонада ифодали ўқиш масалаларига жиддий эътибор қаратиш ҳамда унинг ўзига хос томонларини ўзлаштириш лозим бўлади. Дарвоқе, ифодали ўқишни ташкил қилишнинг ўзига хос томонлари қуйидагилардан иборат:

1. Танланган китоб болаларга таниш, бадиий юксак савияда, содда тилда ёзилган бўлиши керак. Бундай асарлар асосан ўзбек, қардош халқлар ва чет эл болалар адабиётининг юксак намунасидир.

2. Халқнинг нодир ижод намуналари ўзининг теран халқчиллиги, тил жозибадорлиги ва юксак бадиийлиги билан мароқлидир. Зотан, уларда халқнинг орзу-умидлари, қаҳрамонлиги, ватанпарварлик туйғулари акс этгандир.

Биз кутубхонада ўқиш маданиятини тарбиялайдиган қандай оммавий шакллар ҳақида гапирмайлик, аввало, ўша тадбирнинг педагогик жиҳатига эътибор қаратишимиз лозим. Чунки бизнинг тадқиқот объектимизни мактаб ва болалар кутубхоналари ташкил этади. Кутубхоначининг ҳар бир хатти-ҳаракати, ҳатто бир мимикаси ҳам китобхонга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Шу боисдан ҳам кутубхоначи асарни қанчалар теран ўқиса, қаҳрамонлар руҳиятига қанчалик чуқур кириб борса, уларнинг ўзаро муносабатларидаги мураккабликларни нозик илғаса, образлар ўртасидаги ўзаро алоқаларни ҳамда уйқашиб кетишларни сеза олса, муаллиф нуқтайи назари борасида диққат билан ўйланса, ўқиш жараёнига бўлган педагогик таъсир шунчалар фойдали ва унумли бўлади.

Табиатдаги воқеа-ҳодисаларнинг бир-бирига узвий боғлиқлиги ҳаммага маълум бўлганидек, жамиятдаги ўзгаришлар ҳам бири иккинчисини тақозо этади. Жумладан, кутубхона фаолиятида ҳам бир тадбир иккинчиси билан, бир шакл бошқа бир шакл билан чамбарчас боғланиб кетади. Масалан, ифодали ўқишлар ўз мазмун-эътибори ила овоз чиқариб ўқишлар ёки сўзлаб бериш, ҳикоя қилиб бериш усулларига ҳамоҳангдир. Кузатишлар шуни

кўрсатадики, овоз чиқариб ўқишлар - кутубхонанинг катталар ва болалар, айниқса, кичик тарбия ёшидагилар билан муомала қилишнинг энг самарали усули бўлиб, у болаларга мустақил ўқиш пайтида уларнинг эътиборидан четда қолган нарсаларни кўрсатиш имконини беради.

Кўринадики, овоз чиқариб ўқиш бола ҳали ўқиш малакаларини яхши эгалламаган 1-2-синф ўқувчилари учун ниҳоятда зарурдир. Овоз чиқариб ўқиш ҳам, сўзлаб бериш ҳам болани китобга жалб қилишдаги табиий усул бўлиб, ҳатто бу одат оилада ҳам амалга оширилиши зарур. Машҳур педагог А.С.Макаренко таъкидлаганидек, «имкони борича ўқиш ҳар куни ва доимий равишда олиб борилиши лозим. Аввало ота-оналар ўқиб беришса, сўнгра бу ишни болаларнинг ўзига топшириш мақсадга мувофиқдир».

Овоз чиқариб ўқиш ва сўзлаб беришга ўзбек халқ эртаклари жуда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ҳар хил фантастик, сеҳрли эртакларни сўзлаб бериш мақсадга мувофиқдир. Қизиқарли маънодор эртаклар болаларни курраи замин билан яқиндан таништиради ҳамда уларнинг кўпгина саволларига жавоб беради. Кутубхоначи бу жараёнда доимо эртакларнинг тарбиявий томонини эсдан чиқармаслиги керак.

Овоз чиқариб ўқиш қайси синф ўқувчиларига мос тушади, деган савол туғилиши табиий. Бундай тадбирнинг, асосан, 1-2-синф ўқувчиларига мос тушиши ҳақида юқорида гапириб ўтилган эди. Шунини айтиш жоизки, овозли ўқиш 3-синф ўқувчилари учун ҳам муҳимдир. Бу уларга китобни тўла тушунишга ёрдам беради. Бу вақтда болаларнинг асосий эътиборини табиат тасвирига доир сўзлар, воқеалар, эпизодларга, қатнашаётган шахсларнинг характерларига жалб қилиш лозим. Овозли ўқиш ёзувчидаги тил нафосатини, ифода чиройлилигини ҳис қилишга, унинг услубини китобхон томонидан сезишга, тушунишга олиб келади. Катталарнинг ифодали ўқишини эшитгач, унинг ўзида ўқишга қизиқиш пайдо бўлади ва ўзи мустақил ифодали ўқий бошлайди.

У интонация ва пауза билан ўқишни ўрганади, диалогда қатнашаётган шахсдек ролларга бўлиб ўқишга ҳаракат қилади. Буларнинг ҳаммаси ўқиш

сифатини оширишда ва боланинг дунёқарашини кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Овоз чиқариб ўқиш шеърӣ асарлар устида ишлашда ҳам ўзини тўла оқлайди. Чунки шеърларнинг аксарияти оҳангдор, мусиқавий қувноқ бўлгани учун ҳам уни тинглаганда ёш китобхонларда яхши кайфият юзага келади. Бундай ҳолатларда китобхонга ўша шоирнинг бошқа бир шеърини тавсия этиш мумкин бўлади. Натижада болаларда ижодий фаоллик куртаклари ривожлана бошлайди.

Ифодали ўқиш, овоз чиқариб ўқиш билан бирга сўзлаб бериш шаклидан ҳам унумли фойдаланиш лозим. Аслида, сўзлаб бериш ифодали ўқишдан кўра кўпроқ тайёргарлик кўришни талаб қилади. Аввало, сўзлаб бериш учун бирор асар танланади. Ушбу асар бир неча марта синчиклаб ўқиб чиқилади, асарнинг ғоявий-бадий жиҳатларига эътибор берилган ҳолда керакли, муҳим нуқталар белгилаб олинади. Айрим кутубхоначилар асар тўғрисида шундай усталик билан сўзлаб берадиларки, уни эшитганлар гўёки сеҳрланиб қолишади. Демак, кутубхоначининг маҳорати ила ёш китобхон эътибори бутунлай бошқа бир оламга кўчади, фикри-хаёли фақат ўша китобда бўлади. Албатта, сўзлаб беришдан олдин шеър, ҳикоя ва эртакларда учрайдиган нотаниш сўзлар, тушунилиши қийин бўлган сўзларга қисқача изоҳ берилиб, уларнинг маъноси айтиб берилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар асар ёддан айтиб берилса, унинг самарадорлиги янада ошади. Буни тегишли соҳа мутахассислари кўп марта уқтиришган.

Баъзи ўқувчилар берилган мавзуни ёки бирор китобни қунт билан ўқиб чиқиши мумкин. Лекин дарсда ўқитувчининг ҳузурида ўша мавзуни кўнгилдагидек айтиб беролмайди. Бунинг натижасида у яхши баҳо ололмасдан, ўзига бўлган ишонч йўқолиб, ўқишга бўлган муносабати ҳам салбий томонга ўзгариши мумкин. Тажрибадан шу нарса маълумки, агар ўша ўқувчи ўқиб чиққан китобини бировга гапириб берса, ҳамма керакли нарсалар унинг ёдида қолади. Кўпинча ўқилган китобни бировга сўзлаб бериш ёки у билан шу китоб тўғрисида суҳбатлашиш ҳам асарнинг

мазмунини янада чуқурроқ тушунишга ёрдам беради. Профессор Э.Й. Йўлдошевнинг таъкидлашича, китоб устида фикрлашиш, мунозара қилиш ва баҳслашиш уни тўлақонли тушунишга олиб келади. Фикримизча, кутубхонада - болалар ўқиш маданиятини оширишдаги оммавий шакллардан оқилона фойдалана олиш учун кутубхоначининг ижодкор шахс бўлиши шарт. Агар у ўз кузатишлари асосида иш юритса, қайси китобхоннинг қайси асарга қандай шаклда қизиқишини ўрганиб олса, келажакдаги ишлари бирмунча осон кўчади. Бизнингча, бундай имкониятларни кутубхонада яратиш мумкин. Масалан, кутубхоналарда ифодали ўқиш жараёнида нафақат кутубхоначининг ўзи ўқиши, балки ифодали ўқиш намуналари қайд қилинган аудио ва видеокассеталардан, ҳар хил радио ёзувлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Чунончи, ёқимли овоз соҳиблари, театр ва кино арбоблари, телевидение ва радиодаги етакчи суҳбатдонлар ижросида керакли матнлар ёздирилиб, болаларга эшиттирилса, албатта, китобхон қизиқишига сезиларли таъсир қилади. Хусусан, Ёқуб Аҳмедов, Қодир Маҳсумов, Темурмалик Юнусов, Муҳаммадали Абдуқундузов, Дилором Умарова, Раҳимбой Жуманиёзовларнинг овозли ёзувлари кутубхоналарда қўйиб эшиттирилса, кўрсатилса, ўйлаймизки, болаларнинг сўз санъатига, адабиётга бўлган қизиқишлари ошиб боради.

Маълумки, кутубхоналарда ўқиш маданиятини тарбиялашдаги оммавий шакллардан бири - китоблар муҳокамасидир. Одатда, бу тадбир анча жонли ўтади. Чунки унда бадиий савияси, китобхонлик даражаси турлича бўлган ўқувчилар иштирок этишлари мумкин. Бизнингча, бу шаклнинг педагогик аҳамияти катта. Аввало, китоб муҳокамаси орқали китобхон фикри анча фаоллашади, китобга бўлган иштиёқ кучайиб боради, энг муҳими, китобга нисбатан онгли муносабат, адабий дид ривожланиб боради. А.Умаров таърифича, ўқиш маданиятини тарбиялашда ўқувчи томонидан маълумотни англашнинг тўртта босқичи бўлиб, булар қуйидагилардир:

Биринчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини англаб, ҳикоя қилинаётган воқеанинг сюжетини ҳамда унинг асосий жиҳатларини эслаб қолади.

Иккинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини ҳамда сюжетни англаб, воқеалар ривожини маълум даражада башорат қила олиш қобилиятига эга бўлади.

Учинчи даражада ўқувчи матнга ва унда ҳикоя қилинаётган воқеага ўзининг мустақил муносабатини билдириб, қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатларини баҳолай олади ҳамда асар эпизодларини таҳлил қила олади.

Тўртинчи даражада ўқувчи матннинг мазмунини тўла англаб, воқеани мустақил таҳлил қила олади.

Демак, китобни муҳокама қила олиш учун китобхон маълумотни англашнинг тўрт босқичини ҳам босиб ўтади. Э.Исломов «Китоб муҳокамаси - бу ўқилган китоб юзасидан эркин фикр алмашув бўлиб, шахсий нуқтаи назарни, китобга нисбатан шахсий муносабатни ўзида намоён этади, ўз фикрини далил-исботлар ёрдамида қизғин ва моҳирлик билан ҳимоя этишни талаб қилади. Муҳокаманинг педагогик қиймати ана шу билан белгиланади», деб ҳисоблайди.

Кутубхоналарда ҳозирги пайтда бундай тадбирларни ўрта ва юқори синф ўқувчилари билан олиб бориш анъанага айланган, лекин кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари билан ҳам китоб муҳокамаларини ўтказиш яхши натижалар беради. Китоб муҳокамасига маълум вақт оралиғида тайёргарлик кўрилади. Мактаб ўқитувчиси билан келишилган ҳолда муайян бир китоб синф ўқувчиларига тавсия қилинади. Китобни танлашда унинг ғоявий-бадий, эстетик мазмуни, шунингдек, китобхонлар гуруҳининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олиниши керак. Баъзи кутубхоналарда китоб муҳокамасига бағишлаб махсус плакатлар тайёрланади. Назаримизда, бу жуда тўғри йўналиш бўлиб, у ўқувчининг диққат-эътиборини ўзига жалб қилади, ўқувчини муҳокамага жиддий тайёргарлик кўришга чорлайди.

Айни пайтда китоблар муҳокамасида қанча китобхон иштирок этиши, қайси синф ўқувчилари доирасида ўтказиш каби муаммоларни ҳал этишга тўғри келади. Бизнингча, мактаб кутубхонасида муҳокама ўтказилганда бу жараёни битта ёки икки-учта параллел синф ўқувчилари иштирокида олиб борган маъқул. Болалар кутубхонасида эса китоб муҳокамалари ўтказилганда имкони қадар бир-бирига яқин синфларнинг ўқувчилари қатнашгани мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи боб бўйича хулоса

1. Ахборот кутубхона муассасаларида баркамол авлод тарбиясига аҳамият қаратилиши муҳим.
2. Ахборот кутубхона муассасаларнинг баркаол авлод тарбиясидаги тутган ўрнини аниқлаш
3. Тарбия педагогик назария жиҳатидан ташкил этилиши
4. Ахборот кутубхона муассасаларида ташкил этилладиган тадбирларнинг педагогик жиҳатлари эътиборга олинishi лозимдир.

2-боб. ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНАНИНГ ЭЛЕКТРОН КАТАЛОГИНИ ЯРАТИШ

2.1.Электрон кутубхона асосий тушунчалар ва таърифлар

“Электрон кутубхона”, “Электрон каталог” тушунчалари вақтли матбуотда тез-тез учрамоқда. Ахборот ресурс марказининг электрон кутубхонаси, Электрон каталоги тушунчалари баъзан билиб, кўп ҳолларда эса бу тушунчаларнинг маъносига етмасдан ишлатилмоқда. Электрон кутубхона (ЭК) яратиш усуллари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Компютерлаштирилган, автоматлаштирилган, электрон, виртуал кутубхона тушунчаларини ва уларнинг функциялари:

Компютерлаштирилган кутубхона деб - тегишли ҳисоблаш техника воситалари (компютерлар, телекоммуникатсия воситалари ва бошқалар) базавий дастурий воситалар (операцион система, офис иловалари) билан таъминланган, аммо кутубхонадаги асосий ахборот жараёнларини (ахборотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатиш) автоматлаштириш имкониятини берувчи автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимига ега бўлмаган кутубхонага айтилади.

Автоматлаштирилган кутубхона (automated library) - бунда, кутубхона жараёнларининг асосий қисми ва ахборот-кутубхона хизмати асосан автоматлаштириш (шахсий компютерлар, серверлар, ташкилий техника воситалари, ихтисослашган махсус дацурий таъминот) ва телекоммуникация воситалари ёрдамида бажарилади. Кутубхонада автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими татбиқ қилинган бўлади.

Электрон кутубхона (electronic library) - автоматлаштирилган кутубхонанинг маҳсули бўлиб, у классификатсиялаш ва ахборотларни кодлаштиришнинг ягона тизимига асосланган бўлиб, кутубхонанинг электрон каталоги, аннотатсиялар ва тўлиқ матнли маълумотлар базалари мажмуидан иборат бўлади. Ахборот-ресурс марказининг электрон кутубхонаси-ахборот тизими бўлиб, у маълум бир қоидалар асосида тизимлаштирилган ва тартиблаштирилган электрон ҳужжатлар фондига

(Электрон каталог, тўлиқ матнли ва мультимедияли маълумотлар базалари ва бошқалар) ҳамда ахборотларни сақлаш, ишлов бериш, қидириш ва узатиш имкониятига эга бўлган дацурий комплексга эга бўлади.

Электрон кутубхона: умумий ва локал фойдаланиш учун мўлжалланган, дацурий технологик воситалар комплекси ёрдамида электрон ҳужжатлардан иборат тартиблаштирилган фондни яратиш, фойдаланиш ва сақлашни кўллаб-қувватловчи ахборот системаси.

Виртуал кутубхона (virtual library) - икки ва ундан ортиқ электрон кутубхоналар тизимларини коммуникатсия воситалари ёрдамида бирлаштириб, ахборот-мослик жиҳатдан асосиатив алоқалар ўрнатилган ва фойдаланувчиларни ахборот манбалари билан таъминлайдиган электрон кутубхоналарнинг тармоқдаги мажмуига айтилади.

АРМнинг маълумот-библиографик аппарати (МБА) маълумот ва библиографик нашрлар фонди, каталог ва карточкалар системаси, бажарилган маълумотлар фонди (архиви)дан иборат бўлади. У матбуот асарлари ва бошқа ҳужжатларни тарғиб қилиш ва ўқишга мақсадга мувофиқ раҳбарлик қилиш ҳамда керакли ахборотларни тезликда қидириб топишга кўмаклашишга мўлжалланган. Электрон кутубхонанинг маълумот библиографик аппарати нималардан иборат бўлади? Электрон каталоги бўлмаган электрон кутубхонада керакли адабиётларни қидириш самараси ўта паст даражада бўлади. Шу сабабли ҳам электрон кутубхона яратишда унинг электрон каталогини халқаро талабларни қаноатлантирадиган даражада шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлардаги кутубхоначилик иши тажрибаси бу фикрни тасдиқлаб турибди.

Дарҳаққат, электрон кутубхонага мазкур соҳанинг классиклари қуйидагича таъриф беришган:

Электрон кутубхонага берилган баъзи бир таърифларни эслаб ўтайлик Ф.С.Воройский¹ ўзининг ишида ЭКга қуйидаги таърифни беради.

¹ Воройский Ф.С. Информатика. Новый систематизированный толковый словарь-справочник (Вводный курс по информатике и вычислительной технике в терминах). - 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Либерия, 2001. – с. 53

Электрон кутубхона бу - фондида электрон шаклдаги ахборотларни сақлайдиган ва улардан фойдаланишни йўлга қўйган кутубхонадир.

Кеннет Доулин эса ЭКни ўзининг 1984 йили эълон қилинган “Электрон кутубхона” номли китобида қуйидагича таърифлайди:

- Ресурсларни компьютер орқали бошқариш;
- Ахборот таъминотчисини ахборот ицёмолчиси билан электрон каналлар орқали боғлаш қобилияти;
- Зарур ҳолларда ходимларни электрон жараёнларга таъсир кўрсатиш имконияти;
- Электрон воситалардан фойдаланиб, ахборотларни сақлаш, ишлов бериш ва ицёмолчиларга узатиш қобилияти.

1991 йили Буюк Британияда “Электрон кутубхона” дастурининг ишга туширилиши муносабати билан унга дастлаб “Кутубхона, электрон кутубхона дейилади, агарда унинг фондидаги ҳужжатларнинг катта қисми электрон шаклга ўтказилган бўлса” деган таъриф берилган. Бу таърифдан кўринадики, тўлиқ автоматлаштирилган кутубхона “Электрон кутубхона” бўлиши мумкин экан.

АҚШ Массачусет университетидан Вильям Адамс ўзининг китобида ЭКга

“Сервисларга мос ахборотларнинг бошқариладиган коллексияси, бунда ахборот рақамли шаклда сақланади ва унга кириш тармоқ орқали амалга оширилади” деб таъриф берган.

Я.Л.Шрайберг ўзининг китобида электрон кутубхонага қуйидагича таъриф беради, “Электрон кутубхона - бу структуралаштириш ва киришнинг умумий идеологияси асосида бирлаштирилган локал ёки глобал электрон ресурслардир”.

✓ Ахборот ресурс марказида (АРМ) электрон кутубхона яратиш учун ишни нимадан бошлаш керак?

✓ АРМ фондидаги адабиётларни сканерлаш орқали уларни электрон шаклга ўтказиш орқали электрон кутубхона яратиладми?


✓ Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими ва электрон кутубхона орасида қандай фарқ бор?

✓ Маълумотларни сақлаш ва узатишга мўлжалланган қандай формат ва стандартлардан фойдаланиш керак? каби саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Дастлаб сканерланган адабиётларни қандай форматларда сақланишини кўриб чиқайлик. Адабиётларни электрон шаклга ўтказишда АРМларнинг кўпчилиги оддий офис сканерларидан фойдаланишмоқда. Турли ўлчамдаги ҳужжатларни автоматлаштирилган ҳолда сканерлашга мўлжалланган сканерлар жуда қиммат бўлганлиги сабабли АРМларда уларни сотиб олишга молиявий имкониятлар йетарли эмас. Китоб библиографик тавсифи ёзилган карточкани (рангли, 300 дпи) компьютер хотирасида сақлаш учун JPEG – 187 Kilobayt, PDF – 95 Kilobayt (matn bilan birga), DjVu - 7, 5 Kilobayt (матн билан бирга), DjVu - 7, 5 Килобайт (матн билан бирга) хотирани эгаллайди. Бу ердан кўринадики, DjVu формати PDF форматига қараганда 10 марта, JPEG форматига қараганда 20 маротаба кам хотира егаллар экан. Демак, электрон кутубхона яратишда ҳужжатларни фақатгина сканерлаш емас, балки сканерланган материални сақлашда қайси форматдан фойдаланишни ҳам билиш керак.

Ахборот ресурс марказида электрон кутубхона яратиш учун ишни нимадан бошлаш керак?

1. Ахборот ресурс маркази етарли миқдорда компьютерлар сотиб олади. АРМда ички тармоқ яратилади. АРМ ходимларининг барчаси компьютерлардан фойдаланишга ўргатилади. АРМ компьютерлари Интернет тармоғига уланади. АРМ ходимлари Интернетдан ахборот қидириш, электрон каталогдан (Интернетнинг электрон библиографик ресурсларидан) фойдаланишга ўргатилади.



2. АРМдаги асосий ахборот жараёнлари (ахборотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, кидириш ва узатиш) автоматлаштириш имкониятини берувчи махсус дастурий восита (автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими (АКАТ) сотиб олинади ва татбиқ қилинади. АКАТ сотиб олиш билан чекланиб қолмай, балки АРМ ходимларини ундан фойдаланишга ўргатиш ҳам керак бўлади. АРМда АКАТни татбиқ қилиниши АРМ фондиди очиб берувчи электрон каталог яратилишига олиб келади. Китоб бериш, қайтариб олиш, “қарздорларни” аниқлаш, кутубхона статистикасини юритиш, китобхонларга масофадан хизмат кўрсатиш каби бир қатор жараёнлар автоматлаштирилган тарзда компьютерлар ёрдамида бажарилади.


3. АРМ фондиди электрон каталог ёрдамида очиб бериш имконияти яратилгач, китобхонларнинг эҳтиёжларини ўрганиш учун янги имкониятлар очилади. АРМ статистикасини АКАТ орқали олиб бориш қайси адабиётларнинг кўпроқ ўқиётганлиги, қайси адабиётларга эҳтиёж кўплигини аниқ айтиш имконияти туғилади. Шундай қилиб, АРМ фондидаги адабиётларни электрон шаклга ўтказишда китобхонларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб иш тутишга шароит яратилади. АРМ махсус сканер сотиб олади ва керакли адабиётларни электрон шаклга ўтказа бошлайди. Айни пайтда

АКАТ электрон каталогидаги библиографик тавсифга китобнинг тўлиқ матни боғланади.

Шундай қилиб, АРМнинг АКАТ базасида электрон кутубхона яратила бошланади. Электрон каталогсиз “Электрон кутубхона” яратиш мақсадга мувофиқ эмас. Масалан, Интернетнинг кидирув машинасига бирор мавзудаги адабиётни кидириш сўровини бериб кўринг. Сиз 7 000 000 дан кўп ахборотга эга бўласиз. Бундай катта ахборотлар оқимидан кераклигини топиш қийин. Электрон кутубхона учун электрон каталог кидириш самарасини ошириш учун керак бўлади.

Виртуал кутубхона яратилиш услуги. Кўпинча компютерлаштирилган кутубхона, автоматлаштирилган кутубхона, рақамли кутубхона, электрон кутубхона, виртуал кутубхона тушунчаларини аралаш ҳолда ишлатилишининг гувоҳи бўламиз. Виртуал кутубхона бу электрон кутубхоналар мажмуининг ахборот коммуникация воситалари орқали бирлаштиришдан ҳосил бўлади. Тармоқ орқали ихтиёрий электрон кутубхонадан фойдаланиш - виртуал кутубхонадан фойдаланиш бўлади. Шундай қилиб, АРМда электрон кутубхона яратиш босқичлари қуйидагича:

1. Компютерлаштирилган кутубхона.
2. Автоматлаштирилган кутубхона.
3. Электрон (рақамли) кутубхона.
4. Виртуал кутубхона.



Ахборот ресурс маркази ва кутубхоналарни ривожлантиришни режалаштираётган ахборот ресурс маркази, коллеж ва бошқа ташкилот раҳбарлари ахборот технологияларини татбиқ қилиш, электрон кутубхона яратишни компютерлар ва улар учун дастурий воситалар сотиб олишдан иборат деб ҳисоблайди. Уларнинг фикрича, АРМга қанча кўп техника воситалари сотиб олинса, шунчалик иш яхши бўлади. Техника ва дастурий воситаларни ўзлаштириш учун вақт ҳамда ходимларнинг малакасини ошириш етарли деб ўйлайдилар. Аслида эса АРМ ва кутубхоналарда янги ахборот технологияларини, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш воситаларини жорий қилишга асосли ва изчил ёндашиш зарур.

Қуйида АРМда электрон кутубхона яратиш бўйича мураккаб тизимлар ва тизимли таҳлилнинг классик назариясига ҳамда чет эл тажрибаларига асосланиб, тавсиялар берилади.

Бевосита электрон кутубхона яратиш

Электрон кутубхона яратиш воситаси сифатида АКАТдан фойдаланиш тавсия қилинади. Электрон кутубхона ўз ичига электрон каталог, электрон шаклдаги ҳужжатлар, кутубхонадан фойдаланувчилар тўғрисидаги

маълумотлар базаларини олади. Электрон кутубхона АРМда қуйидаги вазифаларни бажаради:

- Матнли, видео, мултипликация, мултимедия, иметатсион моделлаштириш тизимлари кўринишидаги турли шаклда тақдим қилинган қимматбаҳо таълимий ва маълумотнома-ахборот ресурсларига кенг камровли киришни таъминлаш;

- Электрон каталог ёрдамида керакли ахборотларни тезликда қидириб топиш. қидириш тезлиги анъанавий каталогдан қидиришга қараганда бир неча юз маротаба тез бажариш;

- АРМ китобхонлари ва ундан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мос катта ҳажмдаги илмий, таълимий, энциклопедик ҳамда маълумотлар базасини шакллантириш ва сақлаш.

Электрон кутубхонанинг электрон каталоги унинг энг мураккаб ва сермеҳнат талаб қиладиган қисми ҳисобланади.


Электрон кутубхонада тўлиқ матнли маълумотлар базаси қуйидагича шакллантирилади:

1. АРМ ўз кучи билан босма ёки қўлёзма ҳужжатларни сканерлаш (фотография, клавиатура) орқали яратади ва электрон каталог орқали тизимга киритади;

2. Интернет/Интранет тармоқларидан эркин фойдаланишга қўйилган ресурслардан кўчириб олиш;

3. Бошқа шахслар ёки ташкилотларнинг базаларидан келишув орқали электрон ресурсларни олиш.

Кейинги бобларда библиографик тавсифнинг халқаро каталоглаштириш талабларига мос келадиган электрон кутубхона яратишга эътибор қаратилади.



2.2.Электрон каталог яратиш принциплари

«Париж тамойили» номи билан машҳур бўлган тамойиллар ҳақидаги қоидалар 1961 йил каталоглаштириш тамойиллари бўйича ўтказилган Халқаро конференцияда маъқулланган еди. Унинг мақсади - каталоглаштиришда халқаро стандартлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилиш - шубҳасиз амалга ошди: каталоглаштириш бўйича шу вақтгача бутун дунёда ишлаб чиқилган кўпгина қоидалар айнан, ёки ҳеч бўлмаганда, кўп жиҳатдан Париж тамойилларига мос келарди.

Қирқ йилдан ошиқроқ вақт ичида каталоглаштиришнинг умумий халқаро тамойиллари янада зарурроқ бўлиб қолди, чунки ҳамма каталогчилар, китобхонлар ҳам бутун дунёда ORAS электрон каталогларни кенг қўллай бошладилар.

Эндиликда, яъни XXI аср бошида, IFLA Париж тамойилларини электрон каталоглар ҳамда маълумотларнинг бошқа библиографик базаси олдида қўйилган вазифалар нуктаи назаридан келиб чиққан ҳолда мослаштиришга ҳаракат қилмоқда. Бу вазифаларнинг ичида енг дастлабкиси - каталогни фойдаланувчиларга қулай қилишдан иборат.

Мазкур янги тамойиллар Париж тамойилларининг қўлланиш доирасини янада кенгайтириб, уларнинг таъсирини матнли асарлардан


тортиб ҳар қандай материалга татбиқ қилиш мумкин. Чунончи, нафақат сарлавҳаларни танлаш, балки унинг шаклини библиографик ва кутубхона каталогларида фойдаланиладиган қоидаларда ҳам қўллаш имконини беради. Шундай қилиб электрон каталоглаштиришда “Париж тамойиллари” номини олган каталоглаштириш қоидалари билан танишиб чиқамиз.

Тамойилнинг лойиҳаси қуйидаги соҳаларга ҳам қўлланилади:

- Қўлланиш соҳаси;
- Объектлари, атрибутлари ва алоқалари;
- Каталог функцияси;
- Библиографик шарҳи (тавсифи);
- Кириш нуқтаси;
- Авторитет қайдлар;
- Излаш имкониятларининг асослари.

Ушбу янги тамойиллар жаҳоннинг энг бой каталоглаштириш анъаналарига, шунингдек, IFLA томонидан «Библиографик тавсифларга функционал талаблар» (*FRBR:Functional Requirements of Bibliographic Records*) ҳамда «Авторитет тавсифлар ва уларни номерлашга функционал талаблар» (*FRANAR:Functional Requirements and Numbering of Authority Records*) ҳужжатларда ишлаб чиқилган контсептуал моделларга асосланади, улар эса Париж тамойилларини мазмунан каталоглаштириш соҳасига қўллайди.

Мазкур тамойиллар библиографик ва Авторитет маълумотларнинг халқаро алмашинувига ёрдам беради, ҳамда каталоглаштириш қоидаларини тузувчиларга каталоглаштиришнинг халқаро қоидаларини ишлаб чиқишда ёрдам беради деб умид қиламиз.



Қўлланиш соҳаси

Ушбу ҳужжатда белгиланган тамойиллар каталоглаштириш қоидаларини ривожлантириш учун қўлланма сифатида хизмат қилишга мўлжалланган. Улар библиографик ва Авторитет тавсифлар ҳамда замонавий кутубхона каталогларида қўлланилади. Ушбу тамойиллар шунингдек, кутубхоналар, архивлар, музейлар ва бошқа ташкилотлар томонидан ташкил етиладиган библиографиялар ва файлларда ҳам қўлланилиши мумкин.

Тамойиллар тавсифли ва мазмунан каталоглаштиришнинг барча турларига келишувчанлик билан ёндошишни белгилайди.

Каталоглаштириш қоидаларини ишлаб чиқишда асосий эътибор каталогдан фойдаланувчиларга имкон қадар қулайлик яратишга қаратилган бўлиши керак.

Библиографик тавсифларнинг объектлари

Библиографик тавсифларни тузаётганда, интеллектуал ёки бадиий ижод маҳсулотларини ўзида мужассамлаштирган қуйидаги объектлар эътиборга олиниши лозим:

- Асар;
- Ифодаланиш;
- Тимсоли;
- Жисмоний бирлик.

Библиографик тавсифлар одатда тимсолларни акс эттиради. Улар ўзида асарлар тўплами, алоҳида асар ёки асарнинг таркибий қисмини мужассам этади. Тимсоллар бир ёки бир нечта жисмоний бирликда берилиши мумкин.

Қоида бўйича ҳар бир жисмоний формат учун алоҳида библиографик тавсиф яратилиши керак.

Алоқалари

Объектлараро библиографик аҳамиятга эга бўлган алоқалар каталогда ўз аксини топиши керак.

Каталогнинг функциялари

Каталогнинг функциялари - мижозга қуйидаги имкониятларни яратишдан иборат:

Фондда библиографик манбаларни топиш (реал мавжуд ёки виртуал), яъни атрибутлар ёки манбалар алоқавийлигидан фойдаланилганлар.

- Битта манбанинг ўрнини аниқлаш;
- Манбалар гуруҳининг ўрнини аниқлаш.

Битта асар билан алоқадор барча манбалар;

Мазкур шахс авлод (сулола) ёки ташкилот асарнинг фойдаланишнинг барча шакллари;

Ушбу мавзу бўйича барча манбалар.

Бошқа критерийлар билан характерланадиган барча манбалар (чунончи, тил, нашр мамлакати, нашр соҳаси, физик ҳажми ва ҳ.к.) одатда улар қидирув натижаларини чекловчи қўшимча меъёрлар сифатида қўлланилади.

Фойдаланувчининг талабларига мос келадиган библиографик манбаларни танлаш (яъни, мазмун нуқтаи назаридан, физик формати ва ҳ.к. мижознинг сўровига мос келмаслиги сабабдан рад этиш);

Тавсифланган физик бирликни сотиб олиш ёки рухсат олиш (яъни, китобхон излаётган китобини сотиб олиши ёки вақтинча фойдаланиши учун керакли ахборот билан таъминлаш ва ҳоказо, ёки он-лайн алоқа орқали электрон доирага киришини таъминлаш);

Каталогда йўналишни тўғри аниқлаш (библиографик ахборотни мантиқан ташкил эта олиш ва қидирув усулининг аниқ тавсия ёрдамида асарлар, иборалар, тимсоллар ва физик бирликларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлаш).

Библиографик тавсиф

Библиографик тавсифларнинг тавсифий қисми мълум бир халқаро стандартга асосланган бўлиши керак;

Тавсиф каталог ёки библиографик файлнинг мақсадига қараб маълумотларнинг тўлиқлиги даражасини таъминлаши зарур.

Кириш нуқтаси. Умумий қоидалар

Библиографик ва Авторитет тавсифларни излаш учун кириш нуқтаси умумий тамойилларга мувофиқ тарзда шаклланиши керак; Улар назорат қилинадиган ҳамда назорат қилинмайдиган бўлиши мумкин.

Нazorat қилинмайдиган кириш нуқтасида асосий сарлавҳалар қандай бўлса шундайлигича киритилади, шунингдек библиографик тавсифнинг хоҳлаган жойида учраши мумкин бўлган муҳим сўзлар қўшимча равишда киритилиши мумкин.

Нazorat қилинадиган кириш нуқтаси манбалар гуруҳини излашда зарур бўлган бир хилликни таъминлайди ва улар стандартга мувофиқ шаклга келтирилиши лозим.

Кириш нуқтасини танлаш

Библиографик қайдларни кириш нуқтаси сифатида асар сарлавҳаси ва дискрепторлар (назорат қилинадиган), тимсол номи (одатда назорат қилинмайдиган), шунингдек, асарни яратганларнинг исмларининг назорат қилинадиган шакллари фойдаланилади.

Библиографик қайдларга қўшимча кириш нуқталари бошқа шахсларнинг назорат қилинадиган шакли қўлланилиши мумкин.

Авторитет қайдларда кириш нуқтаси сифатида объектнинг номи, шунингдек унинг вариантли шакли Авторитет кириш нуқтасига қўшилади.

Қўшимча кириш нуқтаси алоқадор номлар хизмат қилиши мумкин.

Муқобил сарлавҳа

Объект учун муқобил сарлавҳа объектни тегишли шаклда идентификатсия қилувчи номланиши, яъни тимсолда устунлик ёки номнинг энг мақбул шаклида бўлиши, ҳар ҳолда каталогдан фойдаланувчига қулай (масалан, «умумқабул қилинган ном») бўлиши лозим.

Тили

Агар номланиш бир неча тилда тақдим этилган бўлса, ахборотга асосланган сарлавҳа асл нусха тилида ва ёзувида берилган тимсол афзал кўрилади.

Шахс номларининг шакллари

Агар шахс номи бир неча сўздан иборат бўлса, бошланғич сўзни танлаш шахс номи шаклига мувофиқ тарзда, ёки муаллиф фуқароси бўлган мамлакат қоидалари асосида аниқланади;

Агар фуқаролигини аниқлаш имкони бўлмаса, ёки асосий шахс яшайдиган мамлакатда қабул қилинган номланиш шаклига мувофиқ;

Ушбу шахс асосан айнан қайси мамлакатда яшашлигини аниқлаб бўлмаса, номнинг бошланғич сўзи шахс одатда фойдаланадиган тил бирлигига мувофиқ тарзда танланади. Танлов тимсоллар ёки асосий маълумотларга асосланади.

Авлодлар номланиши шакллари (сулолалар номланиши)

Агар авлоднинг номи (сулола номи) бир нечта сўздан иборат бўлса, бош сўз ушбу авлод (сулола) қайси мамлакатда асосиатсияланган бўлса ўша шаклга мувофиқ аниқланади, ёки ушбу авлод (сулола) қайси мамлакат билан асосиатсияланганини аниқлаш мумкин бўлмаса, унда мазкур авлод (сулола) одатда қайси тил нормаларидан фойдаланса ўшанга мувофиқ танланади.

Ташкилотларни номлаш шакллари

○ Юрисдикция учун Авторитет сарлавҳа ушбу каталогдан фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларига мувофиқ тарзда замонавий шаклда ҳудуд номи тили ва ёзувида ифодаланиши керак;

○ Агар ташкилот ўз мавжудлиги даврида турли номланишлардан фойдаланган бўлса, унда аҳамиятга молик бўлган ҳар бир ўзгаришга ҳудди янги объектдай қаралиши ва тегишли Авторитет қайдлар ҳар бир объект учун маълум далиллар билан боғланиши - шунингдек қаралиши (олдин, кейинчалик) лозим. Унификатсияланган сарлавҳалар шакли

○ Унификатсияланган сарлавҳа мустақил ёки бошқа номлар комбинатсиясида ишлатилиши мумкин, ёки сарлавҳа ташкилот номи, манзили, тили, санаси каби идентификатсияловчи элементлар билан тўлдирилиши мумкин.

○ Унификацияланган сарлавҳа сифатида оригинал сарлавҳадан ёки ушбу асар тимсолларида энг кўп учрайдиган сарлавҳадан фойдаланиш мумкин. Баъзи ҳолатларда асл сарлавҳаси ўрнига асос сифатида Авторитет сарлавҳа учун каталог тили ва ёзувида умумқабул қилинган сарлавҳа танланиши мумкин.

Авторитет тавсифлар

Авторитет тавсифлар шахс, авлод (сулола), ташкилот, асар, ифода, тимсол, физик бирлик, контсептсиялар, предметлар, ҳодисалар ва манзил каби объектларга кириш нуқтаси сифатида қўлланиладиган Авторитет ном ва далил шакллари нозорат қилиб туриш учун яратилади. Агар шахс, авлод (сулола) ёки ташкилот вариантли номлар ёки вариантли шаклларни қўлласса, битта исм ва битта ном шакли ҳар бир конкрет шахс учун Авторитет сарлавҳа сифатида танланади. Агар асар сарлавҳасининг бир нечта вариантлари бўлса, унда битта сарлавҳа унификатсияланган сарлавҳа учун танланади.

Қидирув ва қидирув натижалари

Кириш нуқталари бўлиб, қуйидаги библиографик қайдлар хизмат қилади: Библиографик ва Авторитет тавсифлар ва улар билан алоқадор библиографик манбалар қидирув натижаларини ишончлилигини таъминлайди ва қидирув натижаларини чеклайди.

Қидирув усуллари

Мазкур каталог ёки библиографик файлда исм ва номланиш қидирув объекти бўлади.

Масалан: исмлар, калит сўз, ибора, қисқартиш ва бошқалар.

Библиографик ва Авторитет тавсифнинг ҳар бир объектидан асосий характеристика ва алоқаларда яширинган кириш нуқталари мажбурий ҳисобланади. Библиографик тавсифларда мажбурий кириш нуқталари қуйидагилар;

- Муаллифнинг номи ёки агар муаллифлар бир нечта бўлса, улардан биринчи кўрсатилган муаллиф номи;

- Каталоглаштирган ходим томонидан ифодаланган асосий сарлавҳа ёки сарлавҳа;

- Нашр ёки алоҳида нашрнинг чиқарилган йили;

- Унификатсияланган сарлавҳа (асар учун,ифода учун);

- Предметли рубрикалар ва тематик терминлар классификатсияли индекслар;

- Тасвирланаётган объект учун стандарт номерлар, идентификатсиялар ва «муҳим сарлавҳа».

- Авторитет тавсиф учун мажбурий кириш нуқталари қуйидагилар:

- Объектнинг Авторитет номи ёки сарлавҳаси;

- Мазкур объект номланишининг вариантли шакллари ёки сарлавҳаси.

Қўшимча кириш нуқталари

Библиографик тасвир ёки Авторитет тавсифларнинг бошқа соҳадаги атрибутлари факультет кириш нуқталари сифатида хизмат қилиши мумкин. Ушбу библиографик қайд атрибутлари чекланмаган ва улар қуйидагиларни жамлайди:

- Биринчидан ташқари бошқа муаллифларнинг номини;

- Муаллифнинг номини, шунингдек шахслар, авлодлар ва ташкилотлар номини, улар яратувчи бўлмаслиги мумкин, лекин бошқа вазифани бажариши мумкин;

- Параллел сарлавҳа, муқова сарлавҳаси ва ҳ.к.;

- Сериялларнинг унификацияланган сарлавҳалари;
- Библиографик тавсифларнинг идентификатсиялари;
- Тили;
- Нашр қилган мамлакат;
- Физик шакли.

Авторитет тавсифлар учун мазкур атрибутлар шунингдек, чекланган ва у ўзида қуйидагиларни жамлаши мумкин:

Алоқадор объектларнинг номи ва сарлавҳаси Авторитет тавсифларнинг идентификаторлари.

Шундай қилиб, электрон кутубхонанинг электрон каталогини яратишда халқаро тамойилларга амал қилиш, электрон каталог яратишда корпоратив усуллардан фойдаланишга имконият яратади. Бу эса ўз навбатида каталоглаштириш ҳаражатларини камайтиради, жараёни тезлаштиради ва айна пайтда иш сифатини оширади.

2.3. Электрон каталогнинг динамик ва статик маълумотномалари

Электрон каталог автоматлаштирилган кутубхона ахборот тизимларининг асосий қисмларидан бири ҳисобланади. Кутубхона жараёнларини автоматлаштиришга мўлжалланган тизимларнинг электрон каталогини шакллантиришда динамик ва статик маълумотномаларни аҳамияти жуда катта. Улардан фойдаланиб электрон каталог маълумотлар базасини қисқартирса, иккинчидан йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олдини олади, учинчидан библиографик маълумотларни сақлаш учун сарф бўладиган хотирани тежайди. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимларида миллионлаб библиографик маълумотлар сақланишини назарда тутсак статик ва динамик маълумотномалардан фойдаланишнинг самараси нақадар катта эканлигини тушиниб оламиз.

Автоматлаштирилган тизим таркибидаги динамик маълумотнома бу доимий равишда тулдириб бориладиган маълумотнома ҳисобланади, маълумотлар базасига ҳар сафар янги адабиёт киритилганда маълумотнома

янги маълумот ҳисобига тўлиб бораверади. Масалан, китобларнинг сарлавҳаси ҳар сафар киритилганда динамик маълумотномада янги китоб номи пайдо бўлади. Фараз қиламиз, маълумотлар базасига “Баркамол авлод тарбияси” номи билан учта китоб киритилмоқда, библиографик тавсиф элементлари тизим маълумотлар базасига киритилаётган “Баркамол авлод тарбияси” сўзи сарлавҳа бир марта киритилади (агарда бу сўз маълумотлар базасида аввал киритилмаган бўлса) иккинчи, учинчи марта ва кейинги сафар “Баркамол авлод тарбияси” сўзи маълумотномадан олиб фойдаланилади. Китоб сарлавҳаси, муаллифларнинг фамилияси, исми, шарифи ва бошқа бир қатор библиографик тавсиф элементларини электрон каталрг базасига киритишда динамин маълумотномалардан фойдаланилади.

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимлари электрон каталогини шакллантиришда статик маълумотномалардан ҳам фойдаланилади. Масалан, нашр этилган жой, нашр этилган йил, ҳужжат характери, китоб нашр этилган тил кодини киритишда статик маълумотномадан фойдаланилади. Статик маълумотноманинг динамик маълумотномадан фарқи шундаки, каталоглаштириш жараёнида динамик маълумотнома домий равишда тўлиб, янги маълумотлар пайдо бўлади, статик маълумотномада эса библиографик тавсиф элементларига оид маълумотлар аввалдан маълумотномаларга киритилган бўлади ва каталоглаштириш жараёнида улардан фойдаланилади.

Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизимининг электрон каталог базасига библиографик тавсиф элементларини киритишда уч усулдан фойдаланиш мумкин:

1. Тизим майдонларига маълумотларни бевосита “қўлда” териш орқали.
2. Тайёр библиографик ресурсларни кўчириб олиш орқали.
3. Электрон каталог базасини шакллантиришда “луғат”лар (маълумотномалар)дан фойдаланиш орқали.

Қуйидаги маълумотномалардан фойдаланиб ЭК базасини шакллантиришни кўриб чиқамиз. Фараз қиламиз “Chiqish ma`lumotlari” майдонига “Nashriyot” ва “Nashr etilgan yil” тўғрисидаги маълумотларни маълумотномадан фойдаланиб киритиш талаб қилинсин. Тизим интерфейсидаги “Chiqish ma`lumotlari” 260-майдонининг ўнг томонидаги учта нуқтали тугмачани босамиз (1-расм).

242	Каталоглаштирувчи ташкилот томонидан таржима қилинган сарлавха		...
245	Сарлавҳа тўғрисида маълумот		...
246	Сарлавҳанинг бошқача шакли	+	...
250	Нашр ҳақида маълумот		...
257	Мамлакат номи		...
260	Чиқиш маълумотлари		...
300	Физик тавсифи		...
505	Мазмун тўғрисида. форматланган илова		...
520	Аннотация		...
535	Оригинал/дублет нусхалар жойлашган жой тўғрисида илова		...
653	Очқич сўзлар		...
700	Бошқа муаллифлар	+	...
852	Жойлашган жой/жойлаштириш шифри		...
856	Электрон бирлик жойлашган жой ва унга кириш	+	...
953	Каталоглаштирувчининг шахсий коди		...
900 A	Тўлиқ матн		...

Обзор... 1 mb g:

Qaytish Qo'shish Tozalash

Copyright © 2007

1-расм

Натижада маълумотномалардан фойдаланиш имкониятини берувчи дераза очилади (20.2-расм).

260 A	Нашр қилинган жой	
B	Нашриёт	↓
C	Нашр этилган йил	↓
F	Босмахона	

Yopish Tahrirlash

2-расм

“Nashriyot” майдоннинг ўнг томонидага тугмачани босиш орқали мазкур майдонга киритиш учун керакли маълумотларни сақловчи маълумотномага кирамиз. Маълумотнома базаси динамик база шаклида ташкил қилинган бўлиб янги атамаларнинг киритиб бориш жараёнида автоматик равишда тўлдирилиб боради. Деразадан изланаётган нашриёт номи танланади (дераза

остидаги майдонга нашриёт номи ёзилганда курсор изланаётган сўз устида пайдо бўлади) ва унга сичқонча билан икки маротаба чертамиз натижада изланаётган нашриёт номи 260 А майдонга кўчиб ўтади. Библиографик тавсиф элементларини бундай усулда киритиш биринчидан ЭК базасини тўлдиришни тезлаштиради, иккинчидан, тайёр ёзувлардан фойдаланиш йўли кўйилиши мумкин бўлган хатоликларнинг олдини олади. Бошқа майдонларга ҳам маълумотномалардан фойдаланиб библиографик тавсиф элементларини киритиш юқоридагидек амалга оширилади.


Электрон кутубхона электрон каталогини шакллантиришда “Кутубхона библиографик классификация” (КБК) жадвалларидан фойдаланилади.

2.4. Электрон каталог маълумотлар базасини шакллантириш алгоритми

1. Каталоглаштирувчининг автоматлаштирилган иш ўрнини ишга туширади. Бунинг учун “Логин” ва “Парол” майдонларига тегишли логин ва парол киритилади.
2. “Янги адабиёт қўшиш” тугмасини босамиз ва Дублин ядроси метамаълумотлари асосида шакллантирилган майдон ва майдонистилар кетма кетлигига эга бўламиз.
3. 245 майдонга китоб “Сарлавҳа”си тўғрисидаги маълумот киритилади.
4. 999 А майдонга илмий техника ахборотларининг иерархик маълумотномасидан фойдаланиб тегишли маълумот киритилади.
5. 019 Мавзу майдонига КБК индексини киритиш учун 019 майдоннинг майдонистига тегишли маълумот киритилади.
6. 520 А майдонга каталоглаштирилаётган ҳужжат тўғрисида аннотаци киритилади.
7. 100 майдонга ҳужжат яратувчисининг фамилиси, исми, шарифи киритилади. Майдонга фақат биринчи муаллиф фамилиси, исми, шарифи киритилади (ҳужжат муаллифлари 1-3 бўлган ҳолларда).

8. 014 майдонга ношир тўғрисидаги маълумотлар киритилади.
 9. 700 майдонга ҳажжати яратишда иштирок этган бошқа муаллифлар кетма кет киритилади. Бу майдонга иккинчи жавобган шахслар (муҳаррир, таржимон, рассом, дизайнер ва боқалар) тўғрисидаги маълумотлар ҳам киритилади.
 10. Муаллифлик ҳуқуқи 333 майдонида каталоглаштириладиган ҳужжатга бўлган муаллифлик ҳуқуқи тўғрисидаги маълумотлар киритилади.
 11. 101 майдонга ҳужжат нашр этилган йил киритилади.
 12. Формат майдонида каталоглаштириладиган ҳужжат компьютер хотирасида қандай формат билан сақланиши кўрсатилади.
 13. 041 майдонга нашр тили тўғрисидаги маълумотлар киритилади.
 14. 015 А майдонида ҳужжат типини тўғрисидаги маълумотлар киритилади.
 15. Ҳужжатнинг тўлиқ матнини библиографик тавсифга боғлаш учун 900 А майдондан фойдаланилади. Бу ерда навигатордан фойдаланиб тўлиқ матн жойлашган файл библиографик тавсифга боғланади.
- Шундай қилиб, Дублин ядроси метамаълумотларидан фойдаланиб электрон каталог базасини шакллантириш алгоритминини кўриб чиқдик. Қуйида мазкур алгоритм асосида ишлаб чиқилган дастурий восита билан танишамиз.

Электрон каталог базасини шакллантириш алгоритми



Блок-схема

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Ахборот ресурс марказларини автоматлаштириш босқичма – босқич амалга оширилади, ҳар бир босқичда амалга ошириладиган ишлар аниқ белгиланиб олиши керак.

2. Электрон каталог яратиш принципларига (Париж принциплари) амал қилиш библиографик ёзувларни алмаштириш имкониятини беради.


3. Электрон каталог базасини шакллантиришда Dublin Core метамаълумотларидан фойдаланиш каталоглаштириш жараёнига ресурс яратувчиларни ҳам жалб қилиш имкониятини беради.

4. Электрон каталогнинг динамик ва статик маълумотномалари маълумотлар киритиш жараёнини тезлаштиради, йўл қўйилиши мумкин бўлган хатоликларни олдини олади.

3-бoб. БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ МАЪЛУМОТ БАЗАЛАРИНИ ЯРАТИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ВА ФУНКЦИОНАЛ СТРУКТУРАСИ

3.1.Тизимнинг ташкилий ва функционал структураси

Функционал структура – инглизча (functional structure) сўзидан олинган бўлиб, фаолият жараёнларининг функционал элементлари орасидаги алоқани акс эттирувчи деган маънони англатади. Элементлар деганда эса, фаоллик вақти ва чегарасида локаллаштирилган фаолият жараёнларининг йўналтирилган ҳаракати ва фазаси маъноси англашилади. Функционал структуранинг элементлари муносабатлари тушунчаси фаолиятнинг мураккаб шаклини тавсифлаш учун восита сифатида хизмат қилади. Бу воситалар фаолият турларининг объектив характеристикасини ҳаракатини ва уларнинг амал қилиш хусусиятларини акс эттириш учун ҳам қўлланилади. Улар фаолиятни мумкин бўлган муносабатлар орасидаги ва алоқа типлари орасидаги ўзаро бирлик тизими каби тақдим этишга имкон беради.



1. Электрон каталогни шакллантириш учун каталоглаштирувчи томонидан қуйидаги маълумотлар тизим маълумотлар базасига киритилади

1.1. Қидирилаётган ҳужжат муаллифи тўғрисидаги маълумот. Муаллиф фамилияси, исми, шарифи.

1.2. Қидирилаётган ҳужжатнинг сарлавҳаси. Муаллиф ва сарлавҳа тўғрисидаги маълумотларни киритиш мажбурий.

1.3. Ҳужжатни нашр қилган ташкилот номи.

1.4. Нашр этилган йил.

1.5. Очқич сўзлар.

1.6. КБК жадвали асосидаги статик маълумотнома яратилади.

2. Каталоглаштирилаётган ҳужжат КБК маълумотлар базаси ёрдамида индексланади.

2.1. Каталоглаштирувчи “Индекслар, кодлар” майдонига КБК индексини киритиш учун махсус маълумотномадан фойдаланади.

2.2. Иерархик маълумотнома асосида каталоглаштирилаётган ҳужжат индексланади.

3. Китобхонларга қидиришнинг бир неча усуллари таклиф қилинади. Оддий қидириш “Сарлавха, муаллиф, нашр этилган йил” ва бошқа библиографик тавсиф элементлари бўйича.

3.1. Кенгайтирилган қидириш: “атамалар” мантиқий амаллар ёрдамида бирлаштирилиб жумла тузилади ва у асосида қидириш бажарилади.

4. Қидириш натижалари мониторда акс эттирилади.

3.2.Тизимнинг ташкилий структураси

1. Директор бўлимлар фаолиятини бошқаради, мувофиқлаштиради, керакли меъёрий хужжатларни тасдиқлайди. Каталоглаштиришга оид нормаларни тасдиқлайди, хизмат кўрсатишни назорат қилади.


2. Каталоглаштириш бўлими хужжатларга ишлов беради, системалаштиради, классификациялаштиради. Электрон каталог базасини шакллантиради.

3. Махсус буюртмалар билан ишлаш бўлими китобхонлар томонидан берилаётган буюртмаларни қабул қилади, уларнинг бажарилишини таъминлайди.

4.Кутубхона библиографик маълумотлар базасидан каталоглаштириш ва адабиётларни қидиришда фойдаланилади.

5. Электрон каталог маълумотлар базасини шакллантириш, сақлаш керакли адабиётларни китобхонларга бериш функцияларини бажаради.

6. Автоматлаштирилган ахборот кутубхона тизими асосий ахборот жараёнларини (ахборотларни йиғиш, сақлаш, ишлов бериш, қидириш, узатиш) автоматлаштириш имкониятини яратади.



4-бoб. ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИ

4.1 Компютер билан ишлашда электр магнит нурланишларидаги ҳимояланиш

Ҳозирги пайтда сотувда тақлиф қилинаётган замонавий компьютерларнинг хавфсизлик даражаси ҳақида фикр юритилганда, мониторларининг кўпчилиги Low Radiation, яъни паст нурланиш қобилятига эга, деган ёзув билан келмоқда. Улар ичида энг хавфсиз бўлиб, ички қўшимча металл корпусга қотирилган қурилмаси муҳофаза экран бўлган дисплейлар ҳисобланади. Бу корпусдан 5-7 см нариданоқ электр ва электростатик майдон таъсири меъёригача камайишини, магнит майдонининг компенсация тизими билан биргаликда эса бундай конструкция фойдаланувчи учун максимал хавфсизликни таъминлайди.

Электромагнит нурланиш даражаси MPR II стандартлари талабларини қониқтирадиган чет эл фирмалари ишлаб чиқараётган мониторларининг рўйхатини жадвал кўринишида келтирамыз:

Жадвал 4.1

Мониторлар тоифалари

Acer	ETC	MAG	Radius
ADI	GVC	MaxTech	Sampo
AOS	Huindai	Mitsubishi	Samsung
Apple	IBM	Nanao	Samtron
Compaq	Liyama	NEC	Sigma
Cornerstone	Ikegami	Nokia	Smile
CTX	KDS	Optiquest	Sony
Daewoo	Kenitec	Packard Bell	Sceptie
Darius	KPC	Panasonic	TVM
Digital	LG Electric	Philips	Wiev Sonic
Delta Socos	Liberty	Prinseton	ZDS

Қуйидаги монитор моделлари ТСО 92 стандартининг сертификациясидан ўтдилар, бу стандарт талаблари МРР II га нисбатан янада каттиқроқдир, яъни $E < 10 \text{ В/м}$ 5 Гц - 2 кГц диапазонларда ва $E < 1 \text{ В/м}$ 2 - 400 кГц диапазонларда, ҳамда экран марказидан 0,3 м ва 0,5 м монитор атрофида бўлиб, МРР II стандартида бу кўрсаткичлар 25 ва 1,5 В/м 0,5 м монитор атрофидадир:

ADI Systems	- Microscan 50
Apple Computer	- Apple Vision 1710
Compaq Computer	- V70
CTX International	- PR700
EISO Nanao Technologies	- FlexScan TX-C75
LG Electronics	- “T” kategoriyali modellar
MAG Technology	- MXP17F
Nokia Display Products	- Multigraph 447 Xav, 447 X1
Panasonic Computer	- PanaSync S17, 17MM TX
Peripheral	- T1563, TX-T1562F, TX-D1734, TX-D1734F
Philips	- Brilliance 17A, Samsung
Electronics, Sceptre Technologies	- CL-617GL+
Sony Electronics	- Multiscan 17se, 2, 15, 17, 20sf2, 100df
ViewSonic	- 15GS, 17PS, RT770, RT810, RT813 Professional Series

Тест натижалари, уларни ўтказилган санаси ва жойи (лаборатория номи) сертификатда келтирилади, унинг нусхаси сотувчида бўлиши шарт. Хозирги пайтда бизнинг мамлакатимиздаги кўпгина корхона, ташкилот ва уйларда олинган мониторларнинг аксари халқаро стандартларнинг талабларини

қониқтирмайди, чунки улар технология хатоликлари билан ёки хавфсизликка эътибор керакли даражада бўлмаган даврда сотиб олинган бўлиб, ЭММ меъёрий кўрсаткичларига мос келмайди. Бундай мониторлар эса бутун дунё бўйича жуда кўпдир. Жумладан, Швеция радиация химояси Миллий институтининг маълумотларига кўра, 1995 йил ҳолати бўйича бутун дунёдаги тарқалган компьютер моделларининг фақатгина 18% ТСО 92 стандарти талабларига жавоб берган. 50 мониторларни экспертизаси шундан далолат бердики, фақатгина 15 % швециялик стандартларни қониқтирган ва иш жойини тўғри ташкил этилганда ҳеч қандай муҳофаза воситаларини талаб қилмайди. МРР II 1990:10 ёки ТСО 92 стандартини фақат 31 % қисман қониқтиради, шунда ҳам муҳофаза воситаларини, иш жойини ва иш вақтини тўғри ташкил этишни талаб қилади. Қолган 54 % мониторлар эса электромагнит хавфсизликнинг умумий қабул қилинган халқаро меъёрларига тўғри келмайди ва фойдаланувчи билан атрофдагиларни сўзсиз муҳофаза қилишни талаб қилади. Нурланиш барча йўналишларда тарқалиб, швеция стандартларини қониқтирмайдиган зона радиуси 2.5 м дан ортиқдир.

Иш жойида электромагнит нурланишни камайтиришнинг асосий сабаблари

Замонавий компьютерларнинг нурланиш параметрлари асосан йўл қўйилган даражадалигини тасдиқловчи сертификати бўлишига қарамай, ЭММ мавжудлиги факти янги компьютерни ишлатишдан олдин иш жойида унинг электромагнит характеристикаларини текширишни тақозо этади, даражанинг ортиқлиги аниқланган тақдирда, муҳофазаловчи фильтр ёки экран ўрнатиш зарурати туғилади.

Экранлаштириш эффекти шу билан боғлиқки, ўзгарувчан ЭММ экран қалинлигида ўтказгич материаллар ёрдамида тўлқинланувчи тоқларни юзага келтиради, унинг магнит майдони таъсир қилувчи майдонга нисбатан қарама-қарши йўналган бўлиб, оқибатда натижавий майдон арзимаган

ичкарига кириб, экрандан тез йўқола боради. Тажрибада экран қалинлиги танланганида одатда майдонни ичкарисига киришни характерлайдиган катталики 100 марта кичиклаштирилган ифодасидан фойдаланилади:

$$\delta = \sqrt{\frac{2}{\omega\mu\gamma}} = \frac{1}{\sqrt{\pi f\mu\gamma}}$$

бу ерда ω - бурчак частота, $\omega = 2\pi f$, f - айланма частота, Гц;

μ - экран материалынинг магнит сингдирувчанлиги, Гн/м; γ - экран материалынинг электр сингдирувчанлиги, См/м.

Юқори частотали ЭММ ичкарига сингдирувчанлиги жуда кичик, мисол учун мисда у миллиметрнинг ўндан бирини ташкил этади. Бу формула яхлит экран учун ҳаққонийдир. Лекин яхлит экрандан фойдаланилганда ЭММ камайиши билан, ёруғлик оқимини йўли тўсиб қўйилади. Шунинг учун монитор экранидан нурланиш даражасини пасайтириш мақсадида тўрсимон экранлардан фойдаланилади, улар яхлит экрандан фарқли ўлароқ, ёмон экранлаштирувчи хоссага эга бўлиб, оқим зичлиги қувватини 20-30 дБ (100-1000 марта) камайишига олиб келади. Замонавий мониторларда шундай экранлаштирувчи филтрлар компьютернинг констукцион элементи сифатида фойдаланилади.

Хар қандай шароитида, иш жойида монитор сифатидан қатъий назар, майдон инсенсивлиги минимал бўлган масофада жойлаштирилиши керак. Бунинг учун экранни чўзилган қўлчалик масофада, яъни 70-80 смда жойлаштириш кифоя. Бу шу билан тушунтириладики, фойдаланувчи ЭММ манбаи бўлмиш компьютернинг яқин зонасида, ёки $R \leq \lambda/2\pi$ ифода билан аниқланадиган индукция зонасида жойлашган, бу ерда R - манбадан бўлган масофа, λ - тўлқин узунлиги, бу зонада майдоннинг магнит ташкил этувчиси манбадан бўлган масофанинг квадратига тескари пропорционал равишда ($H = R^2$), камайиб боради, (электр ташкил этувчиси эса янада тезроқ камаяди, яъни манбадан бўлган масофанинг кубига тескари пропорционал равишда $E \propto R^3$).

Электр майдон кучланганлигини ва магнит индукцияни 1995 ва ундан кейинги йиллардаги экрандан 50 см. масофадаги ўлчамлари одатда меъёрдир, ён ва орқа юзалардаги магнит майдон интенсивлиги кўпинча йўл қўйилган қийматлардан 5-2000 Гц частота диапазонларида ортиб кетади. Бу майдон манбаи бўлиб компьютернинг орқа ёки ён томонига жойлашган юқори вольтли чизиқли трансформатор хисобланади, корпус деворлари (энг янги модификацияда кўзда тутилган бўлиши мумкин) нурланишни экранлаштирмайди. Шунинг учун бир неча компьютер жойлашган хонада бир компьютер видеомониторининг орқа юзаси билан иккинчининг экрани орасидаги масофа 2 м дан кам бўлмаслиги керак, ён юзалари орасидаги масофа эса - 1.2 м дан кам бўлиши керак эмас. Бундай масофа компьютерларнинг бир-бирига таъсирини ҳам чеклайди. Хавфсизлик нуқтаи-назаридан, компьютерларни хона периметрида бир-бирини орқасидан эмас, девор бўйлаб жойлаштириш тавсия этилади.

Мухофаза филтрлари

Юқорида айтилганидек, нурланиш интенсивлигини камайтиришнинг энг кенг тарқалган воситаси бўлиб монитор экранига мухофаза филтрини ўрнатиш хисобланади. Шу билан бирга, шуни эътибордан қочириш керак эмаски, уларни ўрнатиш, фақат видеотерминал экрани олдидаги нурланиш даражасинигина камайтиради. Корпуснинг ён ва орқа томонидаги ЭММ нурланиш даражаси ўзгаришсиз қолади. Бундан ташқари, ҳар қайси филтр ўзининг химоя хоссаларига ва ёруғ техникавий характеристикаларига эга, шунинг учун уларни танлаш кутилган мухофаза эффектини олиш билан боғлиқ. Мухофаза филтрлари оптик шаффоф панелдан иборат бўлиб, дисплей экрани устидан компьютернинг корпусига кронштейн ёрдамида маҳкамланади. Панелга юпқа ўтказувчан қатлам юритилган бўлиб, уни ерга улаш ўқ бўйлаб дисплей экранидан тарқалаётган ЭММ нурланишини босади. Бундан ташқари, махсус қўшимча материал ва ўтказувчан қатламни танлаш

айтарли даражада (кўпинча бутунлай босиши) спектрнинг ультрабинафша ва инфрақизил қисмининг оптик нурланиш даражасини камайтиради.

Умуман олганда, муҳофаза филтрлари электростатик таъсирдан химоя қилибгина қолмай, балки узоқ тушиб туришидан оператор кўзига шикаст етказиши мумкин бўлган ёритиш асбобларидан, қуёш нуридан видеомониторнинг шиша элементларига тушадиган ялтиллашларни босади, ҳамда дисплейни умумий ёрқинлигини камайтиради (бунда кам ёрқинли деталлар жуда яхши кўринади, чунки умумий контрастлик ошади, шаклнинг ранглари муҳофаза филтри фоннинг кул рангини ютганлиги сабабли, тиниқлашади). Барча муҳофаза филтрлар ҳам ҳамма муҳофаза чораларини комплексини таъминламайди. Хусусан, электромагнит таъсирдан муҳофазани фақат электр ўтказгич юзали филтрларгина таъминлайди. Бундан ташқари, турли хилдаги ва турли фирма-ишлаб чиқарувчиларнинг муҳофаза экранлари турли даражадаги эффект ва ишонч билан муҳофазалайди. Тажрибада фойдаланиладиган филтрларни конструктив хусусиятлари билан танишиб чиқамиз.

Тузилишига қараб муҳофаза филтрлар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- Пленкали
- Тўрли
- Шишали
- аралаш турли

Пленкали филтрлар шиша ёки синтетик материал (масалан, акрил)дан тайёрланган юпқа шаффоф қўшимча материал асосида тайёрланади. Пленкали филтрлардан энг кўп тарқалгани Polaroid фирмасининг CP-50 маркали филтрлари бўлиб, улар яхши оптик хоссаларга (шаклни контрастлигини ва аниқлигини оширади, экраннинг ялтиллашини ва липиллашини босади), лекин ультрабинафша нурланишни буткун босади ва рентген нурланишни даражасини пасайтирса ҳам, электромагнит электростатик майдондан химоя қилмайди. Бундан ташқари, полярлашган филтрларнинг қопламалари полиэфир қатронидан тайёрланган бўлиб, улар

етарли даражада пишиқ ва чидамли эмаслиги туфайли уларни физик эскиришига ва бузулишига олиб келади.

Шиша фильтрлар (Defender, Megastar, Sepoms каби осие давлатлари махсулотлари) ЭММдан мухофазалар функцияларига эга эмасдирлар. Экрانشтириш сифатини яхшилаш мақсадида шиша материал устидан юпка металл пленка юритилади. Бундай филтрни ерга улаганда тўлиқ электростатик экрانشтириш, хусусан юкори частота диапазонларда электромагнит нурланиш кескин даражада пасайиши таъминланади. Бундан ташқари, металл пленкали шиша филтрлар юмшоқ рентген нурланишини ўтказмайди, спектрнинг ультрабинафша ва инфрақизил чегараларидаги нурланишни айтарли даражада пасайтиради. Филтрларнинг сифати қопламанинг қандай материалдан тайёрланганлигига, уни қандай технологияда, неча қават қопланганлигига қараб, турли ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг филтрларини характеристикаларида ўз аксини топади. Кенг тарқалган мухофаза филтрлари гуруҳига тўрсимон филтрлар киради, улар кўпинча мис сим асосли хира рангли қопламада тайёрланади. Бу филтрларнинг самараси тўрнинг частотасига боғлиқдир. Жуда ҳам зич тайёрланган тўр, ЭММ мухофазани яхшиласада, шаклни аниқлиги ва контрастлиги пасайиб, кўриш хусусиятини ёмонлаштиради. Шунинг учун, ёруглик оқимини камайишини ўрнини қоплаш учун, дисплейнинг шакл ёруглигини оширишга тўғри келади, бу эса электрон-нурли трубкани иш муддатини қисқаришига олиб келади. Деярли барча моделлари муар эффектини, яъни шаклни экран бўйлаб гўёки сузиб юришини, юзага келтиради. ЭММ таъсиридан ва қулай оптик характеристикаларни биргаликда мухофазалашнинг энг оптимали аралаш турли филтрлар ҳисобланади. Улар шишанинг металлларнинг оғир атомлари билан легировка қилинган махсус сортдан тайёрланган бўлади. Мураккаб кўпқават таркибли бу филтрлар мониторнинг деярли барча зарарли таъсирларидан химоя қилади/

Кўриш ишларини бажаришда хавфсиз

шароитлар таъминлаш

Фойдаланувчининг компьютерда ишлаш чоғидаги кўриш учун маъқул бўлган шароит яратиш - энг бош муаммолардан биридир. Компьютердан фойдаланилганида ишнинг маъқул бўлмаган шароитидан шикоятларда етакчи ўринни кўришнинг у ёки бу муаммолари, биринчи навбатда 1.5 - 2 соат улуксиз ишлаш натижасида пайдо бўладиган кўз чарчаши эгаллайди. ХК билан систематик тарзда ишлаш натижасида кўпинча бир - бир ярим йилдан сўнг кўришнинг ёмонлашуви кузатилади. Шунинг учун илмий мақолаларда, меъёрий адабиётларда, оммавий нашрларда кўз толиқишини олдини олиш ва йўқотиш муаммоларига катта эътибор берилмоқда.

Кўриш толиқиши профилактикаси масалалари комплекс бўлиб, биринчи навбатда операторни кўришининг қай даражадалигига, монитор сифатига, иш жойини ташкил этишга ва компьютерни жойлашувига, иш жойидаги ва хонадаги ёритилганлик параметрларига, меҳнат қилиш ва дам олиш тартибига боғлиқдир. Соғлом кўриш шароитини яратиш ва кўз касалликларини олдини олишнинг асосий йўналишларини кўриб чиқишни инсоннинг кўриш аппаратини хусусиятлари ва дисплейда шакл тасвирини қандай қабул қилиши билан танишишдан бошлаймиз.

4.2. Фавқулодда ҳолатлар вақтида халқ хўжалиги объектларининг турғун ишлашини таъминлаш.

Халқ хўжалик объектларининг (ХХО) турғунлиги уларни Фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирига чидамлилиги, яъни Фавқулодда ҳолатлар шароитида режалаштирилган ҳажмда ва номенклатурада маҳсулот ишлаб чиқариш, ишчи ва хизматчилар ҳаёт фаолияти хавфсизлигини тўғри таъминлаш ҳамда ишлаб чиқаришга зарар етган ҳолатларда ўз иш қобилиятини тиклашга мослашиши орқали баҳоланади.

Фавқулодлар вақтида объектнинг турғун ишлашига ташкилий, инженер-техник ва бошқа тадбирларни комплекс равишда амалга ошириш натижасида эришилади.

Ушбу тадбирлар биринчи навбатда ишчилар ва хизматчиларни ҳимоялашга қаратилган бўлиши керак. Чунки инсон ресурси ҳамда ХХО фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омилларидан ҳимояланмасдан туриб, уларни турғун ишлашини таъминлаб бўлмайди. Бундан ташқари, объектдаги ишчилар ва объект яқинида яшовчи аҳолини ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлашда Фавқулодда ҳолатларнинг бузувчи омиллари таъсирида юзага келувчи иккиламчи хавфли омиллар содир бўлиш хавфининг олдини олишга қаратилган тадбирлар ҳам муҳил роль ўйнайди. Иккиламчи хавфли омилларга, ички ва ташқи сабаблар натижасида вужудга келиши мумкин.

ХХО ларининг Фавқулодда ҳолатлар вақтида турғун ишлашини таъминлашга қаратилган тадбирлар комплекси ичидан асосий иккита тадбирга, яъни, айнан фавқулодда ҳолатларда ишчи ва хизматчиларни ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш муаммоларига ҳамда иккиламчи хавфли омиллар ҳосил бўлишини бартараф этишга қаратилган тадбирларга тўхталамиз.

Ишчи-хизматчиларни ҳимоялаш тадбирларига - технологик жараёнларда портлашга ва ёнгинга хавфли ҳамда зарарли ва радиактив моддалар ишлатиладиган иш шароитларида иш режимини ташкил этиш; заҳарланиш ўчоғини бартараф этишга қаратилган ишчиларни аниқ бажариш йўллари бўйича ўқитиш; объектдаги ишчи ва хизматчилар ҳамда объект яқинидаги аҳолига, объектда ҳосил бўлган хавф тўғрисида ҳабар беришнинг локал системасини ташкиллаштириш ва уни доимий тайёр ҳолатда сақлаш каби ишлар киради.

Фавқулодда ҳолатларнинг хавфли ва зарарли омиллари таъсирида юз берадиган ёғинлар, портлашлар, заҳарли, радиактив моддаларни муҳитга тарқалиши иккиламчи омиллар жумласига киради.

Маълумки, нормал иш шароитида объектнинг хавфсиз ва авариясиз ишлашини таъминлашга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилади.

Лекин бу омиллар Фавқулодда ҳолатлар вақтида етарли даражада бўлмайди. Шу сабабли, Фавқулодда ҳолатларнинг иккиламчи омилларидан ҳимоялашга қаратилган қўшимча тадбирлар ишлаб чиқиш талаб этилади. Бундай тадбирларга- сақланадиган портлашга, ёнғинга хавфли ва заҳарли моддалар захирасини минимум даражагача камайтириш; сақлаш омборларини хавфсиз жойда, мустаҳкам қилиб, шамол йўналишини, ёнғин оралиқлари ва йўлакларини ёнғинга қарши сув таъминотини ҳисобга олган ҳолда қуриш; уларни ёнғин ўчирувчи воситалар, захира электр манбалари, алоқа воситалари, автомат сигнализация каби воситалар билан таъминлаш ишлари киради.

ХУЛОСА

“Ахборот-кутубхона фаолияти туғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунинг 2011 йил 13 апрель куни Республика президенти И.А.Каримов томонидан имзоланиши кутубхоначилик иш фаолиятида катта воқеа бўлди. Ахборот-ресурс марказлари иш фаолиятининг янги устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ахборот-ресурс марказларида болалар мактабда олган билимларини тўлдириши, ривожлантириши, чуқурлаштириши назарда тутилади. Баркамол авлод тарбиясида болани китоб ўқишига муҳаббат уйғотиш ва ўқилган нарсаларига қизиқиш ҳосил қилиш, мутолаанинг усул ва воситалари билан таништириш, адабиётни тушунишга ўргатиш, асарнинг мазмунига ҳиссий муносабатни тарбиялаш каби вазифаларни бажаришда, синфдан ташқари таълимни ташкил этишда кутубхоналар энг яхши кўмакчидир. Китоб билан инсон ўртасидаги муносабатда тарбия жараёни вужудга келар экан, бу жараённи бошқариш, албатта, педагогик характерда бўлиши керак. Баркамол авлодни тарбиялашда Ахборот-ресурс марказларининг тарбиявий таъсир кўрсатиш воситалари, имкониятлари каттадир. Улардан меҳнат тарбияси, ахлоқий, экологик, эстетик тарбия каби жиҳатлари кутубхоналар иш йўналишининг, таъсир доирасининг асосини белгилайди.

Ахборот-ресурс марказининг иш жараёни адабиётлар, турли хил манбалар, ахборот ресурсларидан иборат экан, табиийки уларнинг мавзуси турли хилдир. Шунинг учун Ахборот-ресурс марказларининг баркамол авлод тарбиясида тутган ўрни, тарбиянинг педагогик имкониятлари таҳлил этилар экан, ўқувчиларни китобхон сифатида тарбиялашнинг турли шакл, усул ва воситалари назарда тутилади.

Кутубхоначи мактаб дастуридаги фанлар, улардаги ўзгаришлар билан танишиб бориши, ўқувчининг қайси фанларга қизиқишини, қобилияти, руҳий имкониятлари даражасини ҳисобга олган ҳолда китоблар тавсия этмоғи лозим.

Мазкур ресурсларнинг электрон кутубхонасини яратиш муҳимлиги шундан иборатки, баркамол авлод тарбияси, комил инсонни шакллантириш жамиятнинг ҳар қандай кўринишида ҳам долзарб масала ва тўхтовсиз жараёндир. Ахборот кутубхона муассасаларининг баркамол авлод тарбиясига имкониятларини назарий таҳлил этилиши, ҳамда мазкур ресурсларнинг тўлиқ маълумотлар базасига эга электрон кутубхонасининг шакллантирилиши ва кенг фойдаланувчилар, мутахассислар: кутубхоначилар, педагоглар учун тақдим этилиши битирув малакавий ишининг аҳамиятли жиҳати ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. Ахборот-кутубхона фаолияти туғрисида // Халқ сўзи.- 2011.-14 апр.
2. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир: Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси //Халқ сўзи. – 2009. – 6 дек.
3. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги Қарори //Халқ сўзи. – 2010. – 28 янв.
4. “Баркамол авлод йили” давлат дастури. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
5. Каримов И. “Камолот” ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 48 б.
6. Каримов И. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
7. Азаров Ю.П. Болаларни севиш санъати.-Т.: Ўқитувчи,1991.- 243 б.
8. Болалар адабиёти/Хрестоматия. - Т.: Ўқитувчи, 1994.- 286б.
9. Болалар адабиётининг тавсифи ва системалаштирилиши: Ўқув. қўлл./ Садурская В.В. ва бошқ.-Т.: Ўқитувчи, 1990.- 59 б.
10. Болалар олами.: Тўплам. К.2. - Т.: Ёш гвардия, 1989.- 96 б.
11. Болалар психологияси очерклари/ П.И Левинтуев, В. Э.Чудновский ва бошқ.- Т: Ўқитувчи, 1964.- 324 б.
12. Bolalar ensiklopediyasi.-2-hashr.-Т.: O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi, 2002. - 664 б.

13. Воронцов В. Ватандош ҳамда хорижий алломаларнинг афоризмлари ва ҳикматли сўзлари / Ш. Абдураззокова таржимаси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 464 б.
14. Ганиева Б.И. Ахборот кутубхона муассасаларида болаларга хизмат кўрсатиш.-Т.: Арнапринт, 2012.-162 б.
15. Донолар бисотидан / Тузувчи ва таржимон Ш. Шомухамедова; Мухаррир Миртемир. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. – 312 б.
16. Донолар хазинасидан / Тўплаб, қайта ишлаб, нашрга тайёрловчи З. Эгамбердиев. – Т.: Ўқитувчи, 1978. – 36 б.
17. Елачич Е. Основные задачи детского чтения: Хрестоматия-практикум/ Автор сост. Б.Ланин.- М.: Академия, 2003.- С. 54-55
18. Зайцев В. Н. Резервы обучения чтению: Кн. для учителя.- М.: Просвещение, 1991.- 32с.
19. Соғлом авлод – бизнинг келажагимиз: тўплам / Таҳрир хайъати: Мурод Муҳаммад Дўст, О. Мусурмонова, Т. Рисқиев ва бошқ.. – Т.: Абу Али ибн Сино ном. тиббиёт нашриёти, 2000. – 272 б.
20. Фарзанд – азиз, она – мўътабар. – Т.: Ўзбекистон, 2001. – 204 б.
21. Йўлдошев Ж.Ғ. Ўзбекистон Республикаси таълими – тараққиёт йўлида.- Т.: Ўқитувчи, 1994.- Б. 96
22. Йўлдошев Ж.Ғ. Усмонов С.А. Педагогик технология асослари: Халқ таълими ходимлари учун қўлланма.- Т.: Ўқитувчи, 2004.- 104 б.
23. Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқишига раҳбарлик қилиш: Ўқув қўлл.- Т.: Ўзбекистон, 2002.- 128 б.
24. Йўлдошев Э. Кутубхона ва ёш китобхон.- Т.: Ўзбекистон, 2003.- 200 б.
25. Йўлдошев Э. Кутубхонада болалар ўқиш маданиятини тарбиялаш.- Т.: Тош. Дав. унив., 1986.- 45 б.

26. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш: Умумтаълим мактаблари директорлари, маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари, синф раҳбарлари ва тарбиячилар учун қўлланма / Тузувчилар: Ж. Фозилов, Р. Султонов, Ҳ. Саидов. – Т.: Шарқ, 2000. – 297 б.

27. Ҳакимова Д. Давр ва ёшлар. – Т.: Алишер Навоий ном. Ўзбекистон Миллий к-наси нашриёти, 2010. – 20 б.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

ҚАРОРИ

Илова

“БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ”

ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган, ҳар томонлама ривожланган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш бўйича кенг кўламли аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида 2010 йилнинг “Баркамол авлод йили” деб эълон қилингани муносабати билан:

1. “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тасдиқлансин. Унда қуйидагилар асосий вазифалар этиб белгилансин:

– болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

– “Соғлом она – соғлом бола” дастурини изчил амалга ошириш асосида соғлом авлодни вояга етказиш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактикага асосланган соғлиқни сақлаш тизимини устувор ривожлантириш, тиббий хизмат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом болалар туғилиши ва уларни тарбиялаш билан боғлиқ масалалар юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ҳамда маслаҳат ишларини кўпайтириш;

– тайёрланаётган мутахассисларга реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги мавжуд талабга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўсиб келаётган

ёш авлодга таълим ва тарбия бериш соҳасидаги моддий-техника базани янада мустаҳкамлаш, ундан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

– таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни, электрон дарсликлар, мультимедиа воситаларини кенг жорий этиш орқали мамлакатимиз мактабларида, касб-хунар коллежлари, лицейлари ва олий ўқув юртларида ўқитиш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини замонавий турдаги ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш бўйича самарали тизимини янада ривожлантириш;

– замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, рақамли ва кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари ҳамда Интернет тизимини янада ривожлантириш, уларни ҳар бир оила ҳаётига жорий этиш ва кенг ўзлаштириш;

– ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ қизларини спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини, стадионлар ва иншоотларни қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлаш, юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни изчил кучайтириш;

– иқтисодиётни таркибий ўзгартиришнинг муҳим йўналиши, аҳоли ва ўрта синф мулкдорлари даромадларини шакллантириш асоси бўлган кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш, бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш, ёшлар, авваламбор, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини, айниқса, қишлоқ жойларда тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шароит яратиш;

– илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал

салоҳиятини рўёбга чиқариши учун шароит яратишга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

– ёш оилаларга ғамхўрлик қилиш ишларини кучайтириш, уларни ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилишни таъминлаш, жисмонан ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни миллий ва умуминсоний кадриятлар ҳамда Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

– ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 9 декабрдаги 3329-фармойишига биноан тузилган Республика комиссиясига “Баркамол авлод йили” Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва унинг ижроси мониторингини амалга ошириш вазифаси юклансин.

3. “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Ш. М. Мирзиёев):

–икки ҳафта муддатда вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик, идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича ҳудудлар ҳамда тармоқларга оид “Баркамол авлод йили” дастурлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

– мазкур Дастурнинг бўлимлари ва бандларини давлат ҳамда хўжалик бошқаруви республика органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар даражасида тўлиқ ва ўз вақтида бажариш ишларини мувофиқлаштирсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонига ҳар чорак якуни бўйича “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш. М. Мирзиёев) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари раҳбарлигида Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этилишини таъминласин, уларнинг зиммасига Дастурда кўзда тутилган тадбирларни сўзсиз ва тўлиқ амалга ошириш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари:

– аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида “Баркамол авлод йили” Давлат дастурининг мақсад ва вазифаларини кенг тушунтириш;

– Дастурнинг амалга оширилиши тўғрисида мунтазам ахборот бериб бориш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотларнинг Дастурда кўзда тутилган тадбирларни амалга ошириш бўйича қўшган амалий ҳиссасини ёритишни таъминласин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. А. Каримов